

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ



ГЕОЛОГИЯ ВА КОНЧИЛИК  
ФАКУЛЬТЕТИ «КОНЧИЛИК  
ИШИ ВА ГЕОДЕЗИЯ»  
КАФЕДРАСИ

**“Ер тузишни лойихалаш” ФАНИДАН**



Қарши

Ўқув услубий мажмуа ҚарМИИ «Кончилик иши ва геодезия» кафедраси  
доценти М.М.Бозоров, ассистенти М.М.Бозоров томонидан ишлаб чиқилган.

Тақризчилар: ҚарМИИ «ГК ва К» кафедраси доценти  
Ғ.Алиқулов  
Ўздаверлойиха институти  
“Қашвилерлойиха” бўлинмаси лойиха  
бош муҳандиси А.Жўраев

Ўқув услубий мажмуа “Кончилик иши ва геодезия” кафедраси “\_\_\_\_” “\_\_\_\_”

20 \_\_йил, № \_\_\_\_ сонли мажлисида кўриб чиқилган.

Ўқув услубий мажмуа факультет услубий кенгашининг “\_\_” “\_\_\_\_” 20  
\_\_\_\_йил,

№ \_\_\_\_ сонли мажлисида ^риб чиқилган.

Ўқув услубий мажмуа институт ўқув-услубий кенгашининг “\_\_” “\_\_\_\_” 20 \_\_  
йил, № \_\_\_\_ сонли мажлисида ^риб чиқилган ва ўқув жараёнида фойдаланишга  
тавсия  
этилган

**“Ер тузишни лойихалаш” фани бўйича**  
**Ўқув услубий мажмуанинг таркиби**  
**Таркиб мазмуни:**

1. Ўқув дастури.
2. Ишчи дастур.
3. Календарь режа.
4. Назорат учун саволлар (ЖН, ОН, ЯН).
5. Умумий саволлар.
6. Тестлар.
7. Тарқатма материаллар.
8. Глоссарий.
9. Реферат мавзулари.
10. Адабиётлар руйхати.
11. Таълим технологияси.
12. Маърузалар матни.
13. Курс иши ва амалий машғулотларни бажариш бўйича услубий кўрсатма.
14. Лаборатория машғулотларини бажариш бўйича услубий кўрсатма.
15. Хорижий манбалар.
16. Аннотациялар.
17. Муаллифлар ҳақида маълумот.
18. Фойдали маслаҳатлар.
19. Норматив ҳужжатлар.
20. Баҳолаш мезонлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5410700 – 4.01

201 6 йил “ 9 ” 01



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

201 6 йил “ 22 ” 01

ЕР ТУЗИШНИ ЛОЙИХАЛАШ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:

100000 – Гуманитар соҳа;

400000 – Қишлоқ ва сув хўжалиги.

Таълим соҳаси:

110000 – Педагогика;

410000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги.

Таълим йўналишлари:

5111000 – Касб таълими (5410700 Ер тузиш ва ер кадастри);

5410700 – Ер тузиш ва ер кадастри.

Тошкент – 201 6

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “\_22\_” \_\_01\_\_даги “\_26\_”-сонли буйруғининг \_2\_-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув–услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “\_9\_” \_\_01\_\_даги “\_1\_” сонли мажлис баённоамси билан маъқулланган.

Фанг дастури Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ишлаб чиқилди.

#### **Тузувчи:**

Ғофиров А.Ж. - ТИМИ, “Ер тузиш ва ер муносабатлари” кафедраси катта ўқитувчиси.

#### **Такризчилар:**

Бозоров М.М. - ҚМИИ, “Геодезия ва кадастр” кафедраси, доценти, и.ф.н;

Жўраев Р.И. - “Ўздаверлойиҳа” илмий лойиҳалаш институти бош инженери.

Фан дастури Тошкент ирригация ва мелиорация институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 йил “27” \_10\_\_даги “\_3\_” - сонли баённома).

## КИРИШ

Ушбу дастур ер тузиш назариясини, услубиятларини ва иқтисодий-ижтимоий негизини ўрганадиган асосий фан ер тузишни лойиҳалаш фанидир. Ер тузишни лойиҳалаш фани табиат ва жамият ривожланиш қонунлари асосида ривожланиб, фан ва техника ютуқлари, доимий ўсиб боровчи ишлаб чиқариш талаблари ва ижтимоий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражасига мос тушадиган, уларнинг тўхтовсиз ривожланиб боришига ҳамда табиатни муҳофаза қилишга замин яратадиган қилиб ер майдонларини ташкил қилиш учун назарий ва услубий тавсиялар ишлаб чиқади, ҳамда ердан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари қамраб олади.

### Фаннинг мақсад ва вазифалари

“Ер тузишни лойиҳалаш” фанининг асосий мақсади – талабаларда ер тузишни лойиҳалашнинг ривожланиш қонуниятларини ва тамойилларини, лойиҳалашнинг илмий асослари, усуллари ва технологиясини, мамлакатимиз ер тузиш тизимини, ер тузиш турларини улар билан боғлиқ ер тузиш лойиҳаларини ишлаш ва уларни иқтисодий-ижтимоий ва экологик асослаш услубиятларига мос билим ва малака шакллантиришдан иборат.

Фанининг вазифаси – уни ўрганувчиларга:

- ер тузишни лойиҳалашнинг услубий масалаларини, ер тузишни лойиҳалаш технологияси ва усуллари;
- хўжаликлараро ер тузиш тушунчаси, вазифалари ва мазмуни;
- қишлоқ хўжалиги ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларни ташкил этиш ва тартибга солиш;
- ноқишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ердан фойдаланиш-ларни ташкил этиш, ерларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
- аҳоли яшаш чегараларини белгилаш ва ўзгартириш;
- хўжаликлараро ер тузишнинг махсус масалалари;
- хўжаликда ички ер тузишнинг вазифалари ва мазмуни;
- фермер хўжаликларида ички ер тузишнинг хусусиятлари бўйича назарий-амалий билимларни узвийлик ва узлуксизликда ўргатишдан иборат.

**Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва  
малакаларига қўйиладиган талаблар**

“Ер тузишни лойиҳалаш” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

-хўжаликлараро ер тузиш: хўжаликлараро ер тузишнинг тушунчаси, вазифалари ва мазмуни, жараёни ва ўтказиш асослари;

-қишлоқ хўжалик ердан фойдаланувчилари ва ер эгалиklarини ташкил этиш ва тартибга солиш;

-ноқишлоқ хўжалик мақсадидаги ердан фойдаланишларни, ерларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилишни ташкил этиш;

-аҳоли пунктлари чегараларини ўрнатиш ва ўзгартириш, уларнинг ерларидан фойдаланиш ва ташкил этиш;

-маъмурий ҳудудий бирликлар чегараларини жойда ўрнатиш; хўжаликлараро ер тузишнинг махсус масалалари;

-лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва топшириш; лойиҳани амалга ошириш **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

-хўжаликлараро ер тузиш: хўжаликлараро ер тузишнинг тушунчаси, вазифалари ва мазмуни, жараёни ва ўтказиш асосларини;

-ноқишлоқ хўжалик мақсадидаги ердан фойдаланишларни, ерларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилишни ташкил этишни;

-аҳоли пунктлари чегараларини ўрнатиш ва ўзгартириш, уларнинг ерларидан фойдаланиш ва ташкил этишни;

-маъмурий ҳудудий бирликлар чегараларини жойда ўрнатиш, хўжаликлараро ер тузишнинг махсус масалаларини;

-лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва топшириш, лойиҳани амалга оширишни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

-қишлоқ хўжалик ердан фойдаланувчилари ва ер эгалиklarини ташкил этиш ва тартибга солиш;

-ноқишлоқ хўжалик мақсадидаги ердан фойдаланишларни, ерларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилишни ташкил этиш;

-аҳоли пунктлари чегараларини ўрнатиш ва ўзгартириш, уларнинг ерларидан фойдаланиш ва ташкил этиш;

-хўжаликда ички ер тузишнинг вазифалари ва мазмуни, тайёргарлик ва изланиш ишлари, ички хўжалик магистраль йўллари, ишлаб чиқариш ва хўжалик марказларини жойлаштириш;

-алмашлаб экиш тизимини ва ер турларини ҳудудий ташкил этиш;

-алмашлаб экиш, кўп йиллик дарахтлар, ем-хашак ер турлари ҳудудини ташкил этиш;

-лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва топшириш, муаллифлик назоратини олиб бориш лойиҳани амалга ошириш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

– ер тузиш лойиҳаларини режалаштириш;

– ишлаб чиқаришда тайёрланган лойиҳаларидан фойдаланиш;

- ер тузиш турларини улар билан боғлиқ ер тузиш лойиҳаларини ишлаш;
- ер тузиш лойиҳаларининг ҳужжатларини тайёрлаш, топшириш, муаллифлик назоратини олиб бориш, лойиҳани амалга ошириш;
- ер тузиш лойиҳаларини ва уларни иқтисодий-ижтимоий ва экологик асослаш *малакаларига эга бўлиши керак.*

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

“Ер тузишни лойиҳалаш” фани ихтисослик фани ҳисобланади. Мазкур дастурни амалга ошириш учун талаба ўқув режасида режалаштирилган “Тупроқшунослик ва деҳқончилик асослари”, “Геодезия”, Ер тузишда геодезик ишлар”, “Ер тузишнинг илмий асослари”, “Ўрмон тузиш асослари ва ихота дарахтлари полосаларини лойиҳалаш”, “Мелиорация ва ерларни рекультивациялаш” фанларидан билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Республикамизда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва аграр соҳани ривожлантиришнинг йўналишларидан бири ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этишни мукамаллаштириш ҳисобланади. Ер тузишни лойиҳалаш фани табиат ва жамият ривожланиш қонунлари асосида ривожланиб, фан ва техника ютуқлари, доимий ўсиб боровчи ишлаб чиқариш талаблари ва ижтимоий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражасига мос тушадиган, уларнинг тўхтовсиз ривожланиб боришига ҳамда табиатни муҳофаза қилишга замин яратадиган қилиб ер майдонларини ташкил қилиш учун назарий ва услубий тавсиялар ишлаб чиқади. Ер тузишни лойиҳалаш фани ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Ер тузиш ва ер кадастри соҳасида бажариладиган ишларнинг асосий назарий қисмини мана шу фан ўргатади.

Шунинг учун ушбу фан асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, ишлаб чиқариш тизимининг ажралмас бўғинидир.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талаба “Ер тузишни лойиҳалаш” фанини ўзлаштиришда таълимнинг инновацион усулларида фойдаланиши, янги педагогик, ахборот ва интернет

технологияларини тадбиқ қилиши муҳим аҳамият касб этади. Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот (дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, модуль топшириқлари)дан фойдаланилиш тавсия этилади. Маъруза ва амалий машғулотларда турли метод ва воситалардан, хусусан, ақлий ҳужум, кластер, амалий иш ва дидактик ўйинлар, портфолио, кейс-стади, шунингдек, компьютер дастурларидан (Microsoft Excel, Microsoft PowerPoint, “Панорама”) интернет тизимларидан фойдаланиш мумкин.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни**

#### **Фанга кириш**

Ердан фойдаланишни ташкил этишга қаратилган ҳар бир тадбирни чуқур таҳлил қилиш, асослаш ва аниқ ҳисоблашлар, чизмалар (планлар, ҳари-талар, лойиҳалар) билан тасдиқлаш, яъни ер тузиш лойиҳаларини ишлаш заруратининг келиб чиқиши ва ер тузишни лойиҳалашнинг пайдо бўлиши. Ер тузишни лойиҳалашнинг ривожланиш босқичлари. Ер тузишни лойиҳа-лашнинг илмий фан ва амалий фаолият соҳаси сифатидаги тушунчалари.

#### **Ер тузишни лойиҳалашнинг услубий масалалари**

Ер тузишни лойиҳалаш фанининг предмети ҳудудларни ва ер билан ажралмас боғланган ишлаб чиқариш воситаларни ташкил этиш қонуният-лари ва улардан келиб чиқадиган ер тузиш лойиҳаларини ишлаш ва асослашнинг усуллари, йўллари.

Ер тузишни лойиҳалаш усулларининг ривожланиб ва такомиллашиб бориши. Ер тузишнинг комплекс лойиҳаларини ишлаш зарурати. Ҳисоб-конструктив усули. Лойиҳавий масалаларнинг бир неча ечимини ишлаш усули. Иқтисодий математик ва иқтисодий статистик усуллар. Монографик усул. Ер тузишда экспериментал лойиҳалаш ва бошқа усуллар.

Лойиҳалаш техникаси, технологияси ва уни ташкил қилишда илм фан тараққиёти натижаларидан иложи борича максимал фойдаланиш тамойили. Лойиҳа ечимларининг иқтисодий асосланганлигини ва ҳуқуқий аниқлигини, техник жиҳатдан тўғрилигини, экологик талабларга жавоб беришини таъминлаш тамойили.

Ер, меҳнат ва пул - моддий ресурслардан самарали фойдаланиш учун шароит яратиш тамойили. Лойиҳа масалаларини комплекс ечиш тамойили.

Хўжаликларнинг табиий ва иқтисодий шароитларини тўла ҳисобга олиш таъминлади. Ер тузиш лойиҳаларининг экологик, иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини таъминлаш таъминлади.

### **Ер тузиш лойиҳалаш технологияси ва усуллари**

Ўзбекистонда ер тузиш тизими ва унинг таркибий қисмлари. Ер тузиш лойиҳалаш мақсадлари учун лойиҳалашдан олдинги босқичда тайёрланадиган ҳужжатлар. Хўжаликларро ва хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳалари. Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича ишчи лойиҳалар. Ер тузиш лойиҳалаш таркиби.

Лойиҳалаш босқичлари: тайёргарлик ишлари; ер тузиш лойиҳасини ишлаш; лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш; лойиҳани жойига кўчириш; ер тузиш материаллари ва ҳужжатларини расмийлаштириш ва топшириш; лойиҳанинг бажарилиши устидан муаллифлик назорати.

Ер тузиш лойиҳаларини гуруҳларга бўлиш. Ер тузиш лойиҳаларини гуруҳлаш: лойиҳаларни гуруҳларга ажратишда фойдаланиладиган маълумотлар (ер тузиш турлари, лойиҳалаш босқичлари, лойиҳанинг тайёрлик даражаси, ер тузиш ҳаракатлари турлари, ер тузишнинг минтақавий хусусиятлари ва бошқалар).

Лойиҳа тушунчаси; ер тузиш лойиҳаси тушунчаси; лойиҳанинг чизма ва ёзма қисмлари.

Лойиҳавий масалаларни ечишда умумий масалалардан - хусусий масалаларга ўтиш таъминлига асосланиш; ер тузиш лойиҳасининг таркибий қисмлари ва элементлари; лойиҳалаш услубияти; лойиҳалаш технологияси (анъанавий, комплекс ва автоматлаштирилган технологиялар).

Ер тузиш хизмати, ер тузиш бўйича лойиҳа қидирув институти «Ўздаверлойиҳа»; ер тузиш лойиҳалаш жараёнида барча манфаатдор ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар қатнашиши; лойиҳалашга тоширик ва уни тасдиқлаш тартиби; лойиҳани тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, амалга ошириш ва муаллифлик назорати.

Ерга ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик турларининг ўзгариши, бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ мулкларни давлат тасарруфидан чиқаришга қаратилган ер ислоҳати. Ер ислоҳати талабларидан келиб чиқадиган ерларни қайта тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш билан боғлиқ янги ер тузиш ишлари.

### **Хўжаликларро ер тузиш тушунчаси, вазифалари ва мазмуни**

Хўжаликларро ер тузиш тушунчаси ва унинг иқтисодий маъноси.

Хўжаликлараро ер тузишни ўтказишга сабаб бўладиган омиллар. Хўжаликлараро ер тузишда риоя қилинадиган тамойиллар. Ердан самарали фойдаланиш тушунчаси. Ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар.

Ер фонди тушунчаси; ер категориялари (тоифалари); ер эгалиги ва ердан фойдаланувчилар тушунчалари; ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ерларининг чегаралари; хўжаликларнинг рационал ер майдонлари; ер бериш ва ерни олиш, ер ажратиш тушунчалари; хўжаликлараро ер тузишнинг мақсади ва асосий вазифалари. Хўжаликлараро ер тузишнинг турлари ва объектлари.

### **Хўжаликлараро ер тузиш жараёни ва уни ўтказишнинг асослари**

Хўжаликлараро ер тузиш билан туман ер тузиш чизмалари орасидаги технологик ва ахборот алоқалари; хўжаликлараро ер тузишни ўтказиш жараёни қамраб оладиган масалалар. Тайёргарлик ишлари даврида ечиладиган масалалар; камерал ер тузиш тайёргарлик ишлари таркиби; дала ер тузиш изланишлари; лойиҳа тузишга топшириқ. Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси таркиби; лойиҳа чизма қисмининг таркиби; лойиҳа ёзма қисмининг таркиби; лойиҳани ҳуқуқий расмийлаштириш.

Лойиҳани ерга кўчириш учун ишчи чизма чизиш; лойиҳани геодезик асбоблар ёрдамида ерга кўчириш усуллари; чегара белгиларини жойлаштиришга ва улар ўрнининг аниқлигига қўйиладиган талаблар; лойиҳанинг жойига кўчирилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини берувчи ҳуж-жатлар ва уларнинг таркиби; уларни расмийлаштириш ва бериш тартиблари.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида бажариладиган ишлар; лойиҳани амалга ошириш режасини тузиш; лойиҳада кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилиш муддатлари ва ҳажми кўрсатилган махсус тақвимий режа тузиш.

### **Қишлоқ хўжалиги ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларини ташкил этиш ва тартибга солиш**

Қишлоқ хўжалик корхоналари ерларини ташкил этишга табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлар таъсири; янги қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил этишга олиб келадиган сабаблар; қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил этишда амал қилинадиган тамойиллар.

Хўжалик ер майдони билан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзаро боғлиқлиги; ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ерларини ташкил этиш лойиҳасининг таркибий қисмлари. Лойиҳани ишлаш услубияти.

Фермер хўжаликларининг ўзига хос хусусиятлари; фермер, хўжаликлари-

да ўтказиладиган хўжаликлараро ер тузишнинг босқичлари ва уларда бажариладиган ишлар таркиби.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ерларидаги камчиликлар; камчиликларни тугатиш лойиҳасининг мақсади; камчиликларни тугатиш йўллари ва лойиҳани тузиш тартиби.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини иқтисодий асослашда бажариладиган ишлар; хўжаликлараро ер тузиш самарадорлиги; капитал ҳаражатлар самарадорлиги турлари ва уларни аниқлаш усуллари.

### **Ноқишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ердан фойдаланишларни ташкил этиш, ерларни ва атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш**

Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига ер ажратишда бажариладиган ер тузиш ишлари таркиби; ноқишлоқ хўжалик мақсадларига ер ажратишнинг асосий турлари; ер ажратишда қишлоқ хўжалигининг устиворлиги тамойилига риоя қилиш зарурати; ноқишлоқ хўжалик корхоналарига ер ажратиш лойиҳасига қўйиладиган талаблар.

Ноқишлоқ, хўжалик корхоналарига ер ажратиш лойиҳасини бажариш тартиби ва босқичлари. Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига ер ажратиш лойиҳасининг таркибий қисмлари; лойиҳа ҳужжатлари таркиби. Лойиҳани тузиш услубияти ва уни расмийлаштириш.

Бузилган ерлар тушунчаси ва уларнинг бузилишига сабаб бўладиган омиллар; ерларни рекультивациялаш тушунчаси, турлари ва усуллари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 25.05.2011 й.№ 146. Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ноқишлоқ хўжалик мақсадларида ердан фойдаланиш турлари; тоғ-кон, транспорт корхоналарига, кўриқхоналарга, сув омборларига ер ажратишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ер чекланган табиий ресурс ва уни муҳофаза қилиш зарурати; ерни муҳофаза қилиш тушунчаси; хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаларини ва ер тузиш чизмаларини ишлашда ечилиши керак бўлган табиатни муҳофаза қилиш бўйича вазифалар.

### **Аҳоли яшаш жойларининг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, ерларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш**

Аҳоли яшаш жойлари чегараларини белгилаш ва ўзгартиришнинг ўзига хос

хусусиятлари; аҳоли яшаш жойлари чегара чизиги тушунчаси; аҳоли яшаш жойлари ерлари таркиби. Аҳоли яшаш жойлари чегараларини белгилаш ёки ўзгартириш лойиҳасини ишлаш тартиби; лойиҳа ишлаш учун топшириқ, мазмуни ва таркиби; лойиҳа таркиби. Шаҳар ҳудудини ташкил этиш учун ишланадиган лойиҳавий ҳужжатлар; шаҳар ер хўжалигини тузиш лойиҳаси таркиби ва унда ечиладиган масалалар. Қишлоқ, аҳоли яшаш жойлари чегараларини белгилаш ва ўзгартиришнинг ўзига хос хусусиятлари; аҳоли яшаш жойлари ерларини инвентаризациялашнинг асосий вазифалари ва уни бажариш босқичлари; қишлоқ аҳоли яшаш жойлари чегараларини белгилаш лойиҳасида ечиладиган масалалар; аҳоли яшаш жойлари чегараларини лойиҳалашда ҳисобга олинадиган вазиятлар ва лойиҳа таркиби.

### **Маъмурий ҳудудий бўлинмаларнинг чегараларини белгилаш, ердан фойдаланишдаги чеклашлар ва мажбуриятлар**

Жойларда давлат маъмурий-ҳудудий тузилишлари чегараларини белгилаш; махсус ҳуқуқий тартибга эга ҳудудлар ва Қорақолпоғистон Республикаси чегараларини белгилаш; ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ерлари чегараларини тиклашда юзага келадиган вазиятлар; чегараларни белгилашнинг (тиклашнинг) техник ва ҳуқуқий мазмуни.

Сервитут тушунчаси; ердан фойдаланишдаги чеклашлар; бегоналар еридан чекланган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқи; фойдаланишда махсус тартиб ўрнатилган ерлар; ердан фойдаланишдаги чеклашлар ва тақиқлашлар туман навбатчи ҳаритаси ва унинг мазмуни;

### **Хўжаликлараро ер тузишнинг махсус масалалари**

Янги қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун ажратиладиган ерлар; фермер хўжаликларини жойлаштиришда амал қилинадиган тамойиллар; фермер хўжаликларининг чегараларини белгилашга қўйиладиган талаблар. Туманларда махсус ер фондларини ташкил этиш; ажратилган мақсадларда фойдаланилмаётган, фойдаланишдан чиқиб қолган ёки сифати ёмонлашган ерларни аниқлаш; туманнинг қайта тақсимланадиган ер фонди чизмаси ва унинг таркиби.

Қочоқларни, мажбурий кўчирилганларни ва заҳирага чиқарилган ҳарбий хизматчиларни жойлаштиришни ер участкалари билан таъминлашнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари. Қайта ташкил қилинаётган қишлоқ хўжалик корхоналарида ўтказиладиган хўжаликлараро ер тузишнинг мақсади; хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасининг асосий вазифалари ва таркибий

қисмлари.

### **Хўжаликда ички ер тузишнинг вазифалари ва мазмуни**

Ер тузишнинг хўжаликларда ички ер тузиш тушунчаси; хўжаликларда ички ер тузишнинг мақсади ва асосий вазифалари. Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаси мазмуни ва таркибини аниқлаш; лойиҳанинг таркибий қисмлари ва элементлари. Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳасини ишлашда туман ер тузиш чизмаси, хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси маълумотларидан фойдаланиш; лойиҳалашда фойдаланиладиган план ва ҳариталар; лойиҳани тузиш усуллари; хўжаликларда ички ер тузиш ишларини бажариш босқичлари.

### **Тайёргарлик ва изланиш ишлари**

Тайёргарлик ишлари мақсади; камерал тайёргарлик ишлари таркиби; план - харита материалларини тайёрлаш; ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш; хўжалик ривожланишининг ва ердан фойдаланишнинг келажакдаги ва ҳозирга ҳолатини тавсифловчи режалаш, башоратлаш, дастурлаш, лойиҳалаш ва ҳисобот материалларини йиғиш, ўрганиш, ва таҳлил қилиш, бир тизимга келтириш; ҳудудда ер тузиш дала изланишларини ўтказиш дастурини тайёрлаш. Қишлоқ, хўжалик корхоналари ҳудудида ўтказиладиган ер тузиш бўйича дала изланишларининг асосий вазифалари ва бажариладиган ишлар таркиби; хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг таклиф ва истакларини ўрганиш; дала изланишларини ўтказиш комиссияси таркиби ва ер тузиш изланишлари далолатномаси; ер тузиш изланишлари чизмаси. Лойиҳа топшириғини ишлашга асос бўладиган материаллар; лойиҳа топшириғи таркибига кирадиган маълумотлар; лойиҳа топшириғини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

### **Ишлаб чиқариш бўлинмаларини ва хўжалик марказларини жойлаштириш**

Лойиҳанинг асосий мақсади. Ҳудудни, ишлаб чиқаришни ва аҳоли тизимини боғлиқ ҳолда ташкил этиш. Лойиҳанинг ушбу таркибий қисмида ечиладиган асосий масалалар ва унинг элементлари. Ишлаб чиқариш бўлимларини жойлаштиришга қўйиладиган асосий талаблар. Ишлаб чиқариш бўлимлари ва хўжалик марказларини жойлаштириш тартиби. Хўжаликнинг ташкилий-ишлаб чиқариш тузилиши тушунчаси ва турлари. Ишлаб чиқариш бўлимларининг турларини ва таркибини аниқлаш. Ишлаб чиқариш бўлимла-

рининг майдонларини аниқлашда ҳисобга олинадиган омиллар. Ишлаб чиқариш бўлимларининг оптимал майдонлари ва уларни аниқлаш усуллари.

Аҳоли тизими тушунчаси ва унга таъсир қиладиган табиий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар. Қишлоқ аҳоли яшаш жойлари турлари. Асосий ва ёрдамчи қишлоқлар. Хўжалик марказларини жойлаштиришга қўйиладиган талаблар.

Ишлаб чиқариш марказлари тушунчаси ва турлари. Уларни жойлаштиришга қўйиладиган талаблар. Ишлаб чиқариш марказлари турлари, сони ва майдонларини аниқлашда ҳисобга олинадиган омиллар. Ишлаб чиқариш марказларини жойлаштириш тартиби.

Ишлаб чиқариш бўлимлари ерларини жойлаштиришга қўйиладиган асосий талаблар. Капитал ва йиллик ҳаражатларни аниқлаш. Келтирилган ҳаражатлар ва капитал ҳаражатлар самарадорлигини аниқлаш.

Республикада мавжуд қишлоқ хўжалик корхоналари турлари. Хўжаликлардаги ички ишлаб чиқариш муносабатларининг хўжалик марказлари ва ишлаб чиқариш бўлимларини жойлаштиришга таъсири.

### **Хўжаликда ички асосий (магистраль) йўлларни, инженерлик иншоотларини ва объектларини жойлаштириш**

Ер тузиш лойиҳасининг ушбу таркибий қисмининг асосий мақсади. Транспорт ва бошқа инженерлик тармоқларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигига таъсири. Инженерлик иншоотлари ва объектларини жойлаштиришга қўйиладиган талаблар.

Асосий йўлларни жойлаштиришнинг аҳамияти ва моҳияти. Йўлларни тоифаларга ва гуруҳларга бўлиш. Асосий йўлларни жойлаштиришда ечиладиган масалалар. Асосий йўлларни жойлаштиришга қўйиладиган талаблар. Асосий йўлларни жойлаштириш лойиҳасини тузиш тартиби. Асосий йўлларни жойлаштиришни иқтисодий асослаш.

Ҳудудни инженерлик жиҳозлаш объектларини гуруҳларга бўлиш ва уларни жойлаштиришга қўйиладиган талаблар.

### **Ер турларини ташкил этиш**

Ер турлари ва алмашлаб экишни ташкил этишнинг асосий мақсади. Ер турлари ва алмашлаб экишни ташкил этиш жараёнида аниқланадиган ва ечиладиган масалалар. Лойиҳанинг ушбу таркибий қисмининг вазифалари, тузиш тартиби.

Ер турлари тушунчаси. Қишлоқ хўжалик ерлари. Ер турлари таркиби ва хўжалик умумий ер майдонидаги нисбатини аниқлаш. Ер турлари майдонларини

улардан фойдаланиш тартиби ва шароитларини аниқлаш.

Ерларни трансформациялаш тушунчаси. Трансформациялаш ишларини ташкилий-хўжалик нуқтаи назаридан гуруҳларга бўлиш. Трансформациялашнинг иқтисодий самарадорлиги. Ер турлари сифатини яхшилаш усуллари. Ер турларини жойлаштиришга қўйиладиган талаблар.

Ер турларини ташкил этишда бир неча лойиҳавий ечимлар ишлашга олиб келадиган вазиятлар. Ер турларини ташкил этиш билан боғлиқ тадбирларни иқтисодий асослаш мақсадида капитал ҳаражатлар самарадорлигини аниқлаш. Капитал ҳаражатлар самарадорлиги коэффиценти ва ундан ер турларининг сифатини яхшилаш, трансформациялаш ва қишлоқ хўжалиги учун янги ерларни ўзлаштириш навбатини белгилашда фойдаланиш. Лойиҳавий ечимларнинг нисбий самарадорлигини аниқлаш. Лойиҳа ечимларини асослашда аниқланадиган асосий, иқтисодий кўрсаткичлар.

### **Алмашлаб экиш тизимини ташкил этиш**

Алмашлаб экиш тизими тушунчаси ва унинг қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ва ҳудудни илмий асосда ташкил этишдаги аҳамияти. Алмашлаб экишни лойиҳалашга қўйиладиган талаблар. Алмашлаб экишни лойиҳалаш тартиби. Алмашлаб экиш типлари ва турларини белгилаш. Алмашлаб экиш типлари ва турларини танлашда ҳисобга олинадиган омиллар. Ҳар хил дала алмашлаб экишларини лойиҳалашда ҳисобга олинадиган ер тузиш талаблари. Алмашлаб экишлар сони ва майдонларини аниқлаш. Алмашлаб экиш массивларини жойлаштириш.

Хўжаликда алмашлаб экиш тизимини ташкил этишнинг энг яхши ечимини аниқлашда фойдаланиладиган асосий иқтисодий кўрсаткич. Ернинг унумдорлик ва ҳудудий хусусиятлари ва уларни ҳисобга олиш (тупроқ унумдорлиги эрозияга учраш даражаси, ернинг қишлоқ хўжалик марказларидан узоқлиги, майда бўлақларга бўлинганлиги, шакли ва бошқ.). Қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.

### **Алмашлаб экишлар ҳудудини ташкил этиш**

Дехқончилик самарадорлигини оширишда алмашлаб экиш массиви ҳудудини ташкил этишнинг аҳамияти. Алмашлаб экиш массиви ҳудудини ташкил этиш лойиҳаси элементлари, улар орасидаги боғлиқлик. Алмашлаб экиш массиви ҳудудини ташкил этишга қўйиладиган талаблар. Алмашлаб экиш массиви ҳудудини ташкил этиш лойиҳасининг вазифалари.

Суғориш участкаси (пайкал) тушунчаси. Суғориш участкаларини жойлаштиришда ҳисобга олинадиган омиллар ва уларнинг суғориш участкаларини жойлаштиришга таъсирини аниқлаш. Суғориш участкаларини лойиҳалаш усуллари. Алмашлаб экиш даласи тушунчаси. Алмашлаб экиш далаларини жойлаштиришга қўйиладиган талаблар ва таъсир этадиган омиллар. Алмашлаб экиш далаларини жойлаштириш усуллари.

Иҳота дарахтларининг аҳамияти ва турлари. Иҳота дарахтлари полосаларини жойлаштиришга қўйиладиган талаблар. Иҳота дарахтлари билан ҳимояланган ерлар майдонини аниқлаш. Иҳота полосаларининг салбий таъсири. Иҳота дарахтлари тизимининг самарадорлигини аниқлаш.

Суғориладиган ҳудудларда дала йўлларини жойлаштиришга қўйиладиган талаблар. Дала йўллари турлари: асосий ва ёрдамчи дала йўллари.

Дала шийпонлари турлари ва уларни жойлаштиришда ҳисобга олинадиган омиллар. Дала шийпонларини жойлаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш. Дала шийпонларини сув билан таъминлаш. Дала шийпонларини жойлаштиришни иқтисодий асослаш.

Алмашлаб экишлар ҳудудини ташкил этиш лойиҳасининг услублари, йўллари. Алмашлаб экиш ҳудудини ташкил этиш лойиҳасини иқтисодий асослашда фойдаланиладиган асосий кўрсаткичлар. Капитал ҳаражатлар таркиби ва уларни аниқлаш. Йиллик ҳаражатлар таркиби ва уларни аниқлаш. Алмашлаб экиш ҳудудини ташкил этиш натижасида олинадиган қўшимча даромадни аниқлаш. Лойиҳа ечимлари орасидан самаралисини танлаш мақсадида келтирилган ҳаражатларни аниқлаш.

### **Кўп йиллик дарахтзорлар ҳудудини ташкил этиш**

Боғ ва узумзорлар ҳудудларини ташкил этиш лойиҳасининг асосий вазифалари. Лойиҳа элементлари орасидаги ўзаро боғлиқлик ва уларни биргаликда жойлаштириш зарурати. Мевали дарахтлар турларини ва навларини танлаш ва жойлаштириш. Қаторларни, кварталларни ва катакларни жойлаштириш. Бригадалар ер массивларини жойлаштириш. Ёрдамчи хўжалик марказларини, қайта ишловчи корхоналарни ва цехларни жойлаштириш. Иҳота ўрмон полосаларини жойлаштириш. Йўллар тармоғини жойлаштириш. Сув манбааларини жойлаштириш.

Боғ алмашишларини жорий этиш, мавжуд дарахтзорларни тиклаш. Узум навларини танлаш ва жойлаштириш: қаторлар, катакчалар, кварталлар, бригада майдонларини ва дала шийпонларини жойлаштириш; узум меваларини қайта ишлайдиган цехлар ва корхоналарни, иҳота дарахтлари полосаларини, йўл ва суғориш тармоқларини жойлаштириш.

Резаворлар ҳудудини ташкил этиш ўз ичига турлар, навлар, кварталларни, кулубнай учун алмашлаб экишлар массивлари ва алмашлаб экиш далаларини, ўрмон полосалари, йўллар, сув манбаалари, суғориш тармоғини жойлаштириш, резавор алмашишларни жорий этишни олади. Кўчатзорлар майдони ва таркиби. Боғ алмашиниши ва алмашлаб экишни ташкил этиш. Кўчатзорлар таркибидаги элементларни жойлаштиришга қўйиладиган талаблар.

Лойиҳани ва унинг ечимларини иқтисодий асослашда фойдаланиладиган техник ва иқтисодий кўрсаткичлар. Капитал ва йиллик ҳаражатлар таркиби. Келтирилган ҳаражатларни аниқлаш ва ундан лойиҳанинг самарали ечимини аниқлашда фойдаланиш.

### **Ем - хашак олинадиган ер турларининг ҳудудларини ташкил этиш**

Яйлов ва пичанзорларнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти. Яйлов ва пичанзорлар ҳудудларини ташкил этиш лойиҳасининг вазифалари. Лойиҳа тузиш мақсадида ўтказиладиган дала изланишлари таркиби ва мақсади.

Яйловларни чорвачилик фермаларига ажратиш: яйлов алмашинишини ташкил этиш: пода ва отарлар участкаларини, навбат билан ўтлатиладиган майдонларни, ёзги лагерларни, сув манбаалари ва суғориш жойларини, чорва моллари ҳайдаб ўтиладиган йўлларни жойлаштириш.

Суғориладиган маданий яйловлар ҳудудларини ташкил этишда ечиладиган асосий масалалар: чорвачилик фермаларига яйловларни ажратиш; яйловлардан алмашлаб фойдаланишни ташкил этиш; суғориш тармоқлари ва ёмғирлатиб суғориш ускуналарини танлаш ва жойлаштириш. Подалар участкаларини, навбат билан боқиладиган майдонларни, ёзги лагерларни, сув манбааларини, пода йўлларини жойлаштириш.

Яйловлар ҳудудларини ташкил этиш лойиҳасини асослашда фойдаланиладиган техник ва иқтисодий кўрсаткичлар таркиби ва уларни аниқлаш усуллари.

Пичанзорлар ҳудудларини ташкил этишнинг аҳамияти. Лойиҳа тузишдан олдин ўтказиладган ер тузиш изланишлари. Пичанзорлардан алмашлаб фойдаланишни ташкил этиш ва бригадалар майдонларини жойлаштириш; дала шийпонлари, йўл тармоқлари ва сув манбааларини жойлаштириш. Пичанзорлар ҳудудларини ташкил этиш лойиҳасини асослаш.

### **Фермер хўжаликларида ички ер тузишнинг хусусиятлари**

Фермер хўжалиги ички ер тузиш лойиҳасининг таркибий қисми ва элементлари. Лойиҳани тузиш тартиби. Хўжалик марказларини жойлаштиришга

қўйиладиган талаблар. Асосий ва дала йўллари жойлаштиришга қўйиладиган талаблар. Қишлоқ хўжалик ерлари таркиби ва майдонларини аниқлаш. Ҳайдалма ерлардан фойдаланишни ва алмашлаб экишни ташкил этиш. Боғлар ва узумзорларни жойлаштириш. Яйловлардан фойдалаланишни ташкил этиш.

### **Хўжаликда ички ер тузиш лойиҳасининг экологик, иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги**

Ер тузиш самарадорлиги турлари. Экологик самарадорлик ва уни аниқлаш. Лойиҳа экологик самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари. Лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги ва уни аниқлашда фойдаланиладиган кўрсаткичлар. Лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги ва уни аниқлаш усули.

### **Хўжаликда ички ер тузиш лойиҳасини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш. Лойиҳани жойга кўчириш**

Хўжаликда ички ер тузиш лойиҳасини тасдиқлаш тартиби. Тасдиқланган лойиҳани натурага (жойига) кўчириш.

### **Лойиҳаларни расмийлаштириш, ҳужжатларни бериш ва амалга ошириш**

Лойиҳа ҳужжатларининг ёзма ва чизма қисмларини тайёрлаш. Лойиҳа ҳужжатларидан нусхалар тайёрлаш ва буюртмачига бериш тартиби.

Лойиҳани амалга ошириш (ўтиш даври) режаси ва унинг таркиби. Лойиҳада кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш муддатлари ва навбатини белгилаш. Ер тузиш лойиҳасини амалга ошириш жараёнида юргизиладиган ҳужжатлар ва олиб бориладиган назорат турлари.

Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳасини амалга ошириш устидан муаллифлик назорати. Муаллифлик назорати даврида бажариладиган ишлар ва тайёрланадиган ҳужжатлар. Ер тузиш бўйича сервис хизмати таркиби.

### **Ишчи лойиҳаларни тузишнинг вазифалари, мазмуни ва усуллари**

Ишчи лойиҳа тушунчаси, вазифалари ва мазмуни. Ишчи лойиҳаларни тузиш тартиби ва уларни тузишда амал қилинадиган тамойиллар. Ер тузишда тузиладиган ишчи лойиҳалари объектлари. Ишчи лойиҳаларини тузиш тартиби. Махсус ишчи лойиҳалар. Ишчи лойиҳалари турлари ва уларни классификациялашда ҳисобга олинадиган ернинг функционал роли. Ишчи лойиҳаларни

тузиш тартиби ва лойиҳалаш босқичлари. Ишчи лойиҳаларнинг асосий таркибий қисмлари. Смета тушунчаси. Ишчи лойиҳалар таркибига кирадиган смета-лойиҳа ҳужжатлари: локал, объектлар бўйича ва лойиҳа қидирув ишларига сметалар. Йиғма смета. Ер тузиш тадбирлари смета қийматини аниқлашда кенг фойдаланиладиган меёрий ва услубий асослар.

### **Ер турларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича ишчи лойиҳалар**

- Агроўрмонмелиоратив тадбирларни амалга ошириш мақсадида тузилган ишчи лойиҳалар таркиби, уларни тузиш тартиби ва смета-молия ҳисоб-китоблари таркибига кирувчи ҳужжатлар. Яйловларни яхшилаш мақсадида тузиладиган ишчи лойиҳалари таркиби ва мазмуни. Бузилган ерларни рекультивациялаш билан боғлиқ ишчи лойиҳалар таркиби ва мазмуни. Ишчи лойиҳаларда аниқланган капитал ҳаражатлар самарадорлигини аниқлаш.

### **Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати**

- Хўжаликлараро ер тузиш тушунчаси, вазифалари ва мазмуни.
- Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини ишлаш учун тайёргарлик ишларини бажариш.
  - Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш.
  - Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш.
  - Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини жойга кўчириш ва ер эгаликлари чегарасини расмийлаштириш.
- Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини расмийлаштириш ерга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат актини тайёрлаш ва топшириш.
- Ноқишлоқ хўжалик корхона ташкилот ва муассасаларига ер ажратиш лойиҳаси учун тайёргарлик ишларини бажариш.
- Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига ер ажратиш. Ерни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш.
- Ноқишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланишини ташкил этишга қаратилганер тузишнинг вазифаси ва мазмуни.
  - Ердан фойдаланишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш.
  - Ажратилган ер участкасининг унумдор тупроқ қатламини қирқиб олиш, сақлаш, бузилган ерларни рекультивациялашнинг техник шароитларини тайёрлаш.
- Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотларига ва муассасаларига ер

ажратишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг зарарлари ҳажмини ҳисоблаш ва уни қоплаш (2011 йил 25 майдаги Вазирлар Маҳкамасининг 146-сонли қарори).

- Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотларига ва муассасаларига ер ажратишда ер эгаларининг кўрадиган зарарини ҳисоблаш ва уларни қоплаш усулларини белгилаш (2011 йил 25 майдаги Вазирлар Маҳкамасининг 146-сонли қарори).

- Лойиҳани келишиш ва тасдиқлаш.

- Лойиҳани жойга кўчириш, расмийлаштириш ва амалга ошириш.

- Хўжаликда ички ер тузишда тайёргарлик ишлари.

- Ишлаб чиқариш бўлинмалари ва хўжалик марказларини жойлаштириш

- Хўжаликда ички асосий (магистраль) йўлларни, инженерлик иншоотларини ва объектларини жойлаштириш.

- Ер турларини ва алмашлаб экишни ташкил этиш.

- Алмашлаб экишлар ҳудудини ташкил этиш.

- Кўп йиллик дарахтзорлар ҳудудларини ташкил этиш.

- Ем-хашак олинадиган ер турларининг ҳудудларини ташкил этиш.

- Хўжаликда ички ер тузиш лойиҳасининг экологик, иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги.

- Хўжаликда ички ер тузиш лойиҳасини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш. Лойиҳани жойга кўчириш.

- Хўжаликда ички ер тузиш лойиҳасини расмийлаштириш.

- Хўжаликда ички ер тузиш лойиҳасини амалга ошириш.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар**

Амалий машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали куруллар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

## **Лаборатория машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

### **Курс лойиҳасини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Курс лойиҳасининг мақсади талабаларни мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш, олган назарий билимларини қўллашда амалий кўникмалар ҳосил қилиш, бевосита ишлаб чиқаришдаги реал шароитларга мос техник ечимлар қабул қилиш ва замонавий техника ва технологияларни қўллаш кўникмаларини ҳосил қилишдир.

Курс лойиҳаси мавзулари бевосита ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларига боғлиқ ҳолда, аниқ бир ихтисослик йўналишидаги туман, массив, фермер хўжаликлари ер майдонлари учун белгиланади ва ҳар бир талабага шахсий топшириқ берилади.

Курс лойиҳаси объекти сифатида қишлоқ хўжалик корхонаси хизмат қилади. Аниқ бир ихтисослик йўналишидаги массив танланади, лойиҳа ишланади, ҳисобланади ва техник - иқтисодий баҳоланади. Курс лойиҳасининг ҳисоб - график ишлари замонавий компьютер дастурларида бажарилади. Курс лойиҳаси график қисми А1 форматдаги чизмадан иборат бўлиб қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудини ташкил этиш лойиҳаси ва ишчи чизмалардан ташкил топади.

Ер тузишни лойиҳалаш фанини ўрганиш жараёнида битта тўлиқ курс лойиҳаси бажарилади.

Курс лойиҳасини ҳимоя қилишга қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

- тўпланган материалларни таҳлил қилиш;
- чизма ва жадвалларни муаян тизимга келтирилган ҳолда расмийлаштириш;
- лойиҳа ишларини бажариш;
- таклиф этилаётган лойиҳа ечимларини ва тавсияларни асослаб бериш;
- курс лойиҳасини қўйилган талаблар бўйича расмийлаштириш.

### **Курс лойиҳаларининг намунавий мавзулари**

- Массивда ички ер тузишда тайёргарлик ишлари.
- Массивда ички йўлларни, суғориш тармоғи ва бошқа инженерлик иншоотларини жойлаштириш.
- Ер турларини ташкил қилиш.
- Алмашлаб экиш тизимини ташкил этиш.

- Алмашлаб экиш массиви ҳудудини ташкил этиш.

### **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш;
- фаннинг долзарб муаммоларини қамраб олувчи лойиҳалар тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган адабиётлар, монографиялар ва илмий тўпламларни чуқур ўрганиш;

- масофавий (дистансион) таълимни ташкил этишда қатнашиш.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш талаба томондан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси».
2. Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида» ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида» ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисидаги» қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 24 март.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонуни.

8. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқороларга узоқ муддатли ижарага бериш тартиби.

9. Ўзбекистон Республикасида Ер тузишнинг Асосий Низоми.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 25.05.2011 й.Н 146. Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 25.05.2011 й.Н 147. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5-октябрдаги “Фермер хўжаликлари ер участкалари майдонларини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-3077-сонли фармойиши.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 18-октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-3512-сонли фармойиши.

### **Дастурнинг инфор­мацион - услубий таъминоти**

Ўқув жараёнини ташкил этишда мавзуларни кўргазмали воситалардан, слайдлар, диапроектор ва жадваллардан, чизмалардан фойдаланиш асосида ўрганиш кўзда тутилган. Айрим амалий машғулотларни бажаришда шахсий компьютерлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий илғор интерфаол усуллари­дан, педагогик ва ахборот - коммуникация технологияларининг презентация (такдимот), мультимедиа ва электрон – дидактик технологияларидан фойдаланилади. Амалий машғулотларда аклий ҳужум, кластер, бли­тс-сўров, гуруҳ билан ишлаш, инсерт, такдимот каби усул ва техникалардан кенг фойдаланилади.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар:**

1. Авезьбаев С , Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш. Дарслик. Т.: «Янги аср авлоди», 2004. – 786 б.

2. Авезьбаев С., Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш. Дарслик. Т.: “Файласуфлар миллий жамияти”, 2007. – 470 б.

3. Землеустроительное проектирование. Учебник. /Под.редакцией. проф. С.Н.Волкова. - М.: «Колос», 1997. – 608 б.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. С.Авезьбаэв, Т.Карабаева. Ер тузиш. Дарслик. Т.:ТДАУ, 2005. – 305 б.
2. Хафизова З.Х. Ер тузишни лойиҳалаш фанидан “Қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган хўжаликлараро ер тузиш” мавзусида босқич лойиҳасини ишлаш учун услубий қўлланма. Т.:ТИМИ, 2005 – 56 б.
3. Хафизова З. Ер тузишни лойиҳалаш фанидан методик кўрсатма. Т.:ТИМИ, 2010-42 б.
4. Гофиров А. Ер тузишни лойиҳалаш фанидан мустақил ишларни бажариш бўйича методик кўрсатма. Т.:ТИМИ, 2012. 46 б.
5. Гофиров А. Ер тузишни лойиҳалаш фанидан курс лойиҳасини бажариш бўйича методик кўрсатма. Т.:ТИМИ, 2012. 44 б.
6. Авезбоев С., Гофиров А. Ер тузишни лойиҳалаш фанидан амалий машғулотларни ўтказиш бўйича методик кўрсатма. Т.: ТИМИ, 2012. 86 б.

### **Интернет сайтлар:**

1. [www. ziёnet.uz](http://www.ziynet.uz);
2. [хттп: //www. tsure. ру/](http://www.tsure.ru/);
3. [хттп://www. гуз. ру/](http://www.guz.ru/);
4. [хттп: //ериш.нет](http://eriш.net).



**ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**Кафедрамудир:** \_\_\_\_\_ **Ғ.Алиқулов**  
«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ **2019йил**

**ФАН ДАСТУРИ БАЖАРИЛИШИНИНГ КАЛЕНДАРЬ РЕЖАСИ**  
**(маъруза, семинар, лаборатория, амалиймашғулотлар, курс ишлари)**

|                                        |                     |                    |             |    |
|----------------------------------------|---------------------|--------------------|-------------|----|
| Факультет: Геологиявақончилик          | Йўналиш: ЕТ ва ЕК   | Академгуруҳ*117-17 | Маъруза     | 36 |
| Фаннингноми:                           | Ер тузишнилойихалаш |                    | Амалиймаш.  | 36 |
| Маърузачи:                             | М.Бозоров           |                    | Лаборатория |    |
| Маслаҳатваамалиймашғулотниолибборувчи: | М.Бозоров           |                    | Мустақилиш  |    |
| Мустақилмашғулотларниолибборувчи:      |                     |                    | курсиши     |    |
|                                        |                     |                    | Жами        |    |

| №                        | Мавзунингноми                                              | Ажратилгансоат | Бажарилганлигихақидамаълумот |              | Ўқитувчиимзоси |
|--------------------------|------------------------------------------------------------|----------------|------------------------------|--------------|----------------|
|                          |                                                            |                | Ойвақун                      | Соатлар сони |                |
| 1                        | 2                                                          | 3              | 4                            | 5            | 6              |
| <b>Маъруза 5-семестр</b> |                                                            |                |                              |              |                |
| 1                        | Фанга кириш                                                | 2              |                              |              |                |
| 2                        | Ер тузишни лойихалашнинг услубий масалалари                | 2              |                              |              |                |
| 3                        | Ер тузишни лойихалашнинг услубий масалалари                | 2              |                              |              |                |
| 4                        | Ер тузишни лойихалашнинг услубий масалалари                | 2              |                              |              |                |
| 5                        | Ер тузишнилойихалаштехнологиясиваусуллари                  | 2              |                              |              |                |
| 6                        | Ер тузишнилойихалаштехнологиясиваусуллари                  | 2              |                              |              |                |
| 7                        | Ер тузишнилойихалаштехнологиясиваусуллари                  | 2              |                              |              |                |
| 8                        | Ер тузишнилойихалаштехнологиясиваусуллари                  | 2              |                              |              |                |
| 9                        | Хўжаликлараро ер тузиш тушунчаси, вазифалари ва мазмуни    | 2              |                              |              |                |
| 10                       | Хўжаликлараро ер тузиш тушунчаси, вазифалари ва мазмуни    | 2              |                              |              |                |
| 11                       | Хўжаликлараро ер тузиш жараёни ва уни ўтказишнинг асослари | 2              |                              |              |                |

|    |                                                                                                                                          |           |  |  |  |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|--|--|--|
| 12 | <b>Хўжаликлараро ер тузиш жараёни ва уни ўтказишнинг асослари</b>                                                                        | 2         |  |  |  |
| 13 | <b>Қишлоқ хўжалиги ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларини ташкил этиш ва тартибга солиш</b>                                             | 2         |  |  |  |
| 14 | <b>Қишлоқ хўжалиги ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларини ташкил этиш ва тартибга солиш</b>                                             | 2         |  |  |  |
| 15 | <b>Қишлоқ хўжалиги ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларини ташкил этиш ва тартибга солиш</b>                                             | 2         |  |  |  |
| 16 | <b>Ноқишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ердан фойдала-нишларни ташкил этиш, ерларни ва атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш</b> | 2         |  |  |  |
| 17 | <b>Ноқишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ердан фойдала-нишларни ташкил этиш, ерларни ва атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш</b> | 2         |  |  |  |
| 18 | <b>Ноқишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ердан фойдала-нишларни ташкил этиш, ерларни ва атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш</b> | 2         |  |  |  |
|    | <b>ЖАМИ</b>                                                                                                                              | <b>36</b> |  |  |  |
|    | <b>Маъруза 6-семестр</b>                                                                                                                 |           |  |  |  |
| 1  | <b>Хўжаликлараро ер тузиш тушунчаси, вазифалари ва мазмуни.</b>                                                                          | 2         |  |  |  |
| 2  | <b>Хўжаликлараро ер тузишни ўтказишга сабаб бўладиган омиллар.</b>                                                                       | 2         |  |  |  |
| 3  | <b>Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини ишлаш учун тайёргарлик ишларини бажариш.</b>                                                        | 2         |  |  |  |
| 4  | <b>Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш.</b>                                                                                    | 2         |  |  |  |
| 5  | <b>Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини муҳокама қилиш ва тасдиқ-лаш.</b>                                                                   | 2         |  |  |  |
| 6  | <b>Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини жойга кўчириш ва ер эгаликлари чегарасини расмийлаштириш.</b>                                       | 2         |  |  |  |

|    |                                                                                                                                                                        |   |  |  |  |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---|--|--|--|
| 7  | <b>Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини расмийлаштириш ерга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат актини тайёрлаш ва топшириш.</b>                                         | 2 |  |  |  |
| 8  | <b>Ноқишлоқ хўжалик корхона ташкилот ва муассасаларига ер ажратиш лойиҳаси учун тайёргарлик ишларини бажариш.</b>                                                      | 2 |  |  |  |
| 9  | <b>Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига ер ажратиш. Ерни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш.</b>                                                                                | 2 |  |  |  |
| 10 | <b>Ноқишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланишини ташкил этишга қаратилган ер тузишнинг вазифаси ва мазмуни..</b>                                                    | 2 |  |  |  |
| 11 | <b>Ердан фойдаланишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш..</b>                                                                                                         | 2 |  |  |  |
| 12 | <b>Ажратилган ер участкасининг унумдор тупроқ қатламини қирқиб олиш, сақлаш, бузилган ерларни рекультивасиялашнинг техник шароитларини тайёрлаш.</b>                   | 2 |  |  |  |
| 13 | <b>Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотларига ва муассаса-ларига ер ажратишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг зарарлари ҳажмини ҳисоблаш ва уни қоплаш.</b>      | 2 |  |  |  |
| 14 | <b>Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотларига ва муассаса-ларига ер ажратишда ер эгаларининг кўрадиган зарарини ҳисоблаш ва уларни қоплаш усулларини белгилаш.</b> | 2 |  |  |  |
| 15 | <b>Лойиҳани келишиш ва тасдиқлаш.</b>                                                                                                                                  | 2 |  |  |  |
| 16 | <b>Лойиҳани жойга кўчириш, расмийлаштириш ва амалга ошириш.</b>                                                                                                        | 2 |  |  |  |
| 17 | <b>Хўжаликда ички ер тузишда тайёргарлик ишлари.</b>                                                                                                                   | 2 |  |  |  |

|                                            |                                                                                                                                                     |    |  |  |  |
|--------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|--|--|--|
| 18                                         | <b>Ишлаб чиқариш бўлинмалари ва хўжалик марказларини жойлаштириш.</b>                                                                               | 2  |  |  |  |
|                                            | Жами:                                                                                                                                               | 36 |  |  |  |
| <b>Амалий машғулот 5-семестр (семинар)</b> |                                                                                                                                                     |    |  |  |  |
| 1                                          | <b>Ер тузишни лойиҳалашнинг услубий масалалари</b>                                                                                                  | 2  |  |  |  |
| 2                                          | <b>Ер тузишни лойиҳалаш технологияси ва усуллари</b>                                                                                                | 2  |  |  |  |
| 3                                          | <b>Хўжаликлараро ер тузиш тушунчаси, вазифалари ва мазмуни</b>                                                                                      | 2  |  |  |  |
| 4                                          | <b>Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини ишлаш учун тайёргарлик ишларини бажариш</b>                                                                    | 2  |  |  |  |
| 5                                          | <b>Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш</b>                                                                                                | 2  |  |  |  |
| 6                                          | <b>Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш</b>                                                                                | 2  |  |  |  |
| 7                                          | <b>Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини жойга кўчириш ва ер эгаликлари чегарасини расмийлаштириш</b>                                                   | 2  |  |  |  |
| 8                                          | <b>Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини расмийлаштириш ерга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат актини тайёрлаш ва топшириш</b>                       | 2  |  |  |  |
| 9                                          | <b>Ноқишлоқ хўжалик корхона ташкилот ва муассасаларига ер ажратиш</b>                                                                               | 2  |  |  |  |
| 10                                         | <b>лойиҳаси учун тайёргарлик ишларини бажариш</b>                                                                                                   | 2  |  |  |  |
| 11                                         | <b>Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига ер ажратиш. Ерни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш</b>                                                              | 2  |  |  |  |
| 12                                         | <b>Ноқишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланишини ташкил этишга қаратилган ер тузишнинг вазифаси ва мазмуни</b>                                   | 2  |  |  |  |
| 13                                         | <b>Ердан фойдаланишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш</b>                                                                                        | 2  |  |  |  |
| 14                                         | <b>Ажратилган ер участкасининг унумдор тупроқ қатламини қирқиб олиш, сақлаш, бузилган ерларни рекультивациялашнинг техник шароитларини тайёрлаш</b> | 2  |  |  |  |

|    |                                                                                                                                                                                                                              |           |  |  |  |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|--|--|--|
| 15 | Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотларига ва муассасаларига ер ажратишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг зарарлари ҳажмини ҳисоблаш ва уни қоплаш (2011 йил 25 майдаги Вазирлар Маҳкамасининг 146-сонли қарори)       | 2         |  |  |  |
| 16 | Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотларига ва муассасаларига ер ажратишда ер эгаларининг кўрадиган зарарини ҳисоблаш ва уларни қоплаш усуллариини белгилаш (2011 йил 25 майдаги Вазирлар Маҳкамасининг 146-сонли қарори) | 2         |  |  |  |
| 17 | Лойиҳани келишиш ва тасдиқлаш                                                                                                                                                                                                | 2         |  |  |  |
| 18 | Лойиҳани жойга кўчириш, расмийлаштириш ва амалга ошириш                                                                                                                                                                      | 2         |  |  |  |
|    | <b>ЖАМИ</b>                                                                                                                                                                                                                  | <b>36</b> |  |  |  |
|    | <b>Амалиймашғулот6-семестр (семинар)</b>                                                                                                                                                                                     |           |  |  |  |
| 1  | Хўжаликлараро ер тузиш тушунчаси, вазифалари ва мазмуни.                                                                                                                                                                     | 2         |  |  |  |
| 2  | Хўжаликлараро ер тузишни ўтказишга сабаб бўладиган омиллар.                                                                                                                                                                  | 2         |  |  |  |
| 3  | 1. Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини ишлаш учун тайёргарлик ишларини бажариш.                                                                                                                                                | 2         |  |  |  |
| 4  | Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш.                                                                                                                                                                               | 2         |  |  |  |
| 5  | Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини муҳокама қилиш ва тасдиқ-лаш                                                                                                                                                               | 2         |  |  |  |
| 6  | 5. Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини жойга кўчириш ва ер эгаликлари чегарасини расмийлаштириш.                                                                                                                               | 2         |  |  |  |
| 7  | Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини расмийлаштириш ерга эгалик                                                                                                                                                                 | 2         |  |  |  |
| 8  | қилиш ҳуқуқини берувчи давлат актини тайёрлаш ва топшириш.                                                                                                                                                                   | 2         |  |  |  |

|    |                                                                                                                                                                 |    |  |  |  |
|----|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|--|--|--|
| 9  | Ноқишлоқ хўжалик корхона ташкилот ва муассасаларига ер ажратиш лойиҳаси учун тайёргарлик ишларини бажариш.                                                      | 2  |  |  |  |
| 10 | 8. Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига ер ажратиш. Ерни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш.                                                                             | 2  |  |  |  |
| 11 | Ноқишлоқ хўжалик корхоналари ердан фойдаланишини ташкил этишга қаратилган ер тузишнинг вазифаси ва мазмуни..                                                    | 2  |  |  |  |
| 12 | Ердан фойдаланишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш                                                                                                           | 2  |  |  |  |
| 13 | Ажратилган ер участкасининг унумдор тупрок қатламини қирқиб олиш, сақлаш, бузилган ерларни рекультивациялашнинг техник шароитларини тайёрлаш.                   | 2  |  |  |  |
| 14 | Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотларига ва муассаса-ларига ер ажратишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг зарарлари ҳажмини ҳисоблаш ва уни қоплаш.      | 2  |  |  |  |
| 15 | Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотларига ва муассаса-ларига ер ажратишда ер эгаларининг кўрадиган зарарини ҳисоблаш ва уларни қоплаш усулларини белгилаш. | 2  |  |  |  |
| 16 | Лойиҳани келишиш ва тасдиқлаш                                                                                                                                   | 2  |  |  |  |
| 17 | Лойиҳани жойга кўчириш, расмийлаштириш ва амалга ошириш.                                                                                                        | 2  |  |  |  |
| 18 | Хўжаликда ички ер тузишда тайёргарлик ишлари.                                                                                                                   | 2  |  |  |  |
|    | Жами:                                                                                                                                                           | 36 |  |  |  |
|    | Мустақилиш                                                                                                                                                      |    |  |  |  |

|    |                                                                                                                                                                                                                                                        |  |  |  |  |
|----|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|--|--|--|
| 1  | Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси».                                                                                                                                                                                                              |  |  |  |  |
| 2  | 2. Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида» ги қонуни.                                                                                                                                                                                  |  |  |  |  |
| 3  | 3.Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида» ги қонуни.                                                                                                                                                                                |  |  |  |  |
| 4  | 4. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги қонуни.                                                                                                                                                                         |  |  |  |  |
| 5  | 5. Ўзбекситон Республикасининг «Ўрмон тўғрисидаги» қонуни.                                                                                                                                                                                             |  |  |  |  |
| 6  | 6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони «Қишлоқ хўжа-лигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 24 март.                                                                                                |  |  |  |  |
| 7  | 7. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонуни.                                                                                                                                                                          |  |  |  |  |
| 8  | 8. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқороларга узоқ муддатли ижарага бериш тартиби.                                                                                                                                                     |  |  |  |  |
| 9  | 9. Ўзбекистон Республикасида Ер тузишнинг Асосий Низоми.                                                                                                                                                                                               |  |  |  |  |
| 10 | 10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 25.05.2011 й.Н 146. Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. |  |  |  |  |
|    | <b>Жами:</b>                                                                                                                                                                                                                                           |  |  |  |  |

Тузувчи: \_\_\_\_\_

**М.Бозоров**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ**

Кончилик иши ва леодезия кафедраси

**ЕР ТУЗИШНИ ЛОЙИҲАЛАШ ФАНИДАН  
ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ (1 қисм)**

**ҚАРШИ – 2018**

**КИРИШ**

Ер жамият бойлигининг манбаи, инсоният учун моддий бойликлар яратиш ва ишлаб чиқаришни хом-ашё билан таъминлашнинг табиий негизидир. Моддий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнида ер асос (базис) ва ишлаб чиқариш воситаси сифатида қатнашади.

Республикаимиз ер ресурслари 44 млн 410 минг 300 гектарни ташкил этади. Шундан 45,48% қишлоқ хўжалиги учун ажратилган. Суғориладиган ерлар Республикаимиз ер фондининг атиги 9,16% ташкил этади.

Ер фондидан фойдаланишни бошқариш ва назорат қилиш, ер муносабатларини такомиллаштириш, умуман давлатимизнинг аграр сиёсатини амалга ошириш давлат ер тузиш хизмати томонидан амалга оширилади. Ер тузиш Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси" асосида олиб борилади.

Фан ва техника ривожланиши натижасида қишлоқ хўжалиги соҳасига Янги техникалар, технологиялар, агротехника ва меҳнатни ташкил қилиш усуллари, экинларнинг Янги турлари ва навлари, қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг Янги турлари ва насллари кириб келаверади. Бу эса ўз навбатида ердан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан унумли фойдаланиш мақсадида ер билан ажралмас боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш воситаларини (ариқлар, йўллар, уйлар, омборлар, шийпонлар, сув иншоотлари ва бошқ.) тўғри жойлаштиришни талаб қилади.

Ер тузиш ишларининг таркиби асосан халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш талабларидан келиб чиқади. Ер тузиш ишлари халқ хўжалиги тармоқларида ва қишлоқ хўжалик корхоналарида ўтказилиб, Янги ерларни суғориш ва уларни қишлоқ хўжалиги ерларига қўшиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва деҳқончилик маданиятини кўтаришга қаратилгандир.

Жамиятнинг ердан фойдаланишни ташкил қилишнинг самарали усулларини топиш йўлидаги изланишлари ер тузиш фанининг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлди.

Ҳозирги даврда ер тузиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган қатор фанлар томонидан ўрганилади. Бу фанлар жумласига қуйидагилар киради: Ер тузишнинг илмий асослари; Ер тузишни лойиҳалаш; Ер тузиш иқтисоди; Ердан тузиш ишларини ташкил қилиш ва режалаштириш; Ер тузишнинг автоматлашган тизимлари; Ер ҳуқуқи; Ер тузишда геодезик ишлар ва ҳоказолар.

Лойиҳалашни ташкил қилиш ҳар бир ҳудудда ўзига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун ҳам барча ҳудудларга мос келадиган универсал услубият яратиш мумкин эмас. Бу дарсликда ер тузиш ишларини лойиҳалашнинг услубиятлари ва назарияси берилган.

**1- мавзу. 1-3 маъруза**

**И 606. ЕР ТУЗИШНИ ЛОЙИҲАЛАШНИНГ УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ**  
**Режа**

1. Ер тузишни лойиҳалашнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши
2. Ер тузишни лойиҳалаш тушунчаси ва унинг ер тузиш тизимидаги ўрни
3. Ер тузишни лойиҳалаш фанининг предмети
4. Ер тузишни лойиҳалаш усуллари
5. Ер тузишни лойиҳалаш тамойиллари (принциплари)

1. Ер тузишни лойиҳалашнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Ер жамият ривожланишининг қадимий даврларидан бошлаб, ер муносабатларининг моддий асоси ва мулкчиликнинг асосий манбаи вазифасини бажариб келмоқда.

Ерларни самарали фойдаланишга мослаш ишлари жуда қадим замонлардан бошланган бўлиб, у даврларда бу ишлар тасодифий характерга эга бўлган ва асосан ерларни фойдаланиш мақсадларига қараб чегаралаш ишлари олиб борилган. Масалан: қабилалар ўзлари фойдаланадиган ерларни деҳқончилик, чорвачилик ва ов қилиш мақсадлари учун бўлишган. Кейинчалик ерга мулкчилик муносабатлари пайдо бўлгандан кейин, бу ишлар ерларни аниқ мақсадлар бўйича тақсимлашга, уларни мулкдорлар ва ердан фойдаланувчилар манфаатлари бўйича ташкил этишга айланди ва ер тузиш номини олди.

Бошланиш даврида ер тузиш унчалик қийин бўлмаган ерларни чегаралаш, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ерларининг чегараларини оддий геодезия асбоблари (узунлик ўлчаш занжирлари, эккерлар ва бошқ.) ёрдамида жойларда белгилаш, ҳамда уларнинг ерга бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар бериш билан шуғулланган.

Кейинчалик, ер тузиш ер мулкдорлари ерларининг чегараларини ҳуқуқий ва техник расмийлаштириш мақсадларидан ташқари иқтисодий мақсадларни ҳам ўз ичига ола бошлади. У ердан фойдаланишнинг энг самарали турларини танлаш ва ер эгаликлари ерлари ҳудудларини ташкил этиш масалалари билан ҳам шуғуллана бошлади.

***Ер тузиш ишларининг, айниқса уларнинг техник ва иқтисодий томонларининг мураккаблашиши махсус ер тузиш лойиҳаларини ишлашни тақоза эта бошлади.*** Бу лойиҳаларда ерларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва ташкил этиш масалалари чуқур таҳлил қилиниб, асосланиб ва зарур ҳисоблашлар, чизмалар, планлар ва хариталар билан тасдиқлана бошлади. Ер тузишда лойиҳалаш ишларининг ривожланиши бу йўналишда махсус илмий билимларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Кейинчалик бу илмий билимлар асосида Янги фан - ер тузишни лойиҳалаш фани ташкил топди. Ер тузишни лойиҳалаш фани ер тузиш фанларининг марказий бўғини ҳисобланади.

Ер тузишни лойиҳалаш махсус фан сифатида 1925 йилдан бошлаб ажралиб чиқди. 1921-1929 й. катта аниқликда, асосан аналитик йўл билан, деҳқон жамоалари ва якка хўжаликларига ер ажратиш ишлари олиб борилди. Ер тузишни лойиҳалаш ишлари асосан ер майдонларини математика ва геодезия усуллари ёрдамида тақсимлашга ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган

хужжатларни тайёрлашга қаратилди. Ердан фойдаланишнинг иқтисодий томонларига эса унча эътибор берилмади.

1929-1935 й. даврида ер тузиш ишлари колхоз ва совхозларни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлиб, асосий эътибор уларнинг ер майдонларини барпо қилишга қаратилди.

Ерларни қишлоқ хўжалик корхоналарига абадий фойдаланишга бериш, колхоз ва совхозларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш даврида (1935-1949 й.), 1935 й. февраль ойида қишлоқ хўжалик артелининг (колхознинг) "Намунавий низоми" (устави) қабул қилинди. Бу хужжатга асосан қишлоқ хўжалиги артелларига ер абадий ва текин фойдаланишга Давлат акти (далолатномаси) берилди.

Колхозларни ва совхозларни йириклаштириш даврида (1950-1954 й.) кичик колхозлар ва совхозлар йириклаштирилиши билан боғлиқ бўлган ер тузиш ишлари олиб борилди.

Чўлларни ўзлаштириш ва Янги совхозларни ташкил қилиш даврида (1954-1984 й.) Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Шеробод чўллари ва бошқа кўплаб чўл ва бўз ерлар ўзлаштирилди.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва тармоқларни йириклаштириш, хўжаликлараро бирлашмалар, агросаноат бирлашмаларини ташкил қилиш даврида (1985-1991 й.)

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка еришгандан кейинги бозор иқтисодига ўтиш билан боғлиқ аграр ва ер ислоҳатини ўтказиш даврида ер тузиш ишлари мустақил Ўзбекистон Республикасининг Янги "Ер тўғрисида" ги қонуни ва Республика Президентининг қишлоқ хўжалигига оид фармонларини амалга оширишга қаратилди.

1991 й. қишлоқ аҳолисининг томорқа ерлари майдонларини кенгайтириш ва Янгидан томорқа ерлари ажратиш, шаҳар аҳолисига дала ҳовлилари учун ер ажратиш ишлари, 1992 йилдан бошлаб эса, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил қилиш, норентАбель давлат хўжаликларини тугатиб, уларнинг ўрнида кичик жамоа хўжаликларини ташкил қилиш билан боғлиқ ер тузиш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда Янги турдаги ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга уларнинг ерга бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи давлат актларини бериш ишлари давом этмоқда.

1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси" олиб борилаётган аграр ислоҳотнинг негизини ташкил этувчи ер ислоҳотининг ҳуқуқий асосини яратди. Шу йили Давлат ер ресурслари кўмитаси ташкил этилди.

## **2. Ер тузишни лойиҳалаш тушунчаси ва унинг ер тузиш тизимидаги ўрни**

Аҳоли сонининг тўхтовсиз ўсиб бориши озиқ овқат маҳсулотларига ва халқ истеъмол молларига бўлган талабнинг доимий ошиб боришига олиб келади. Бу талабни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни

мунтазам кўпайтириб бориш, уларнинг сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш эвазига қондириш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш жараёнида эчиладиган асосий масала - ердан самарали фойдаланишни ташкил қилиш ва тупроқ унумдорлигини доимий ошириб боришдир.

Ердан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, тупроқ унумдорлигини доимий ошириб бориш, деҳқончилик маданиятини кўтариш, илм-фан ва техника ютуқларидан фойдаланишга шароит яратиш, ерни ва атроф муҳитни қўриқлаш ҳозирги вақтда ер тузишнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Ер тузиш назариясини, услубиятларини ва иқтисодий-ижтимоий негизини ўрганадиган асосий фан - ер тузишни лойиҳалаш фандир.

Ер тузишни лойиҳалаш фани табиат ва жамият ривожланиш қонунлари асосида ривожланиб, фан ва техника ютуқлари, доимий ўсиб боровчи ишлаб чиқариш талаблари ва ижтимоий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражасига мос тушадиган, уларнинг тўхтовсиз ривожланиб боришига, ҳамда табиатни муҳофаза қилишга замин яратадиган қилиб ер майдонларини ташкил этишнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқади.

Ҳар бир Янги техника ва ишлаб чиқариш жараёни технологияси лойиҳа асосида ишланади ва ҳаётга тадбиқ қилинади.

*Лойиҳа* - бу иншоотлар, механизмлар, бинолар, илғор технологиялар ва бошқаларни яратиш, амалга оширишнинг ҳисоб-китоблари, йўллари ва чизмалари келтирилган ҳужжатлар тўпламидир.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг миқдори, сифати ва таннархи асосан қишлоқ хўжалик корхонасидаги ернинг майдониغا, унумдорлигига, ер турлари таркибига, шаклига, йўл ва ташқи алоқа манзилларига нисбатан жойлашган ўрнига боғлуқ. Шунинг учун ҳам, ер тузиш лойиҳалари қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларининг ташкил топишида, тартибга солинишида ва такомиллашишида жуда катта аҳамиятга эга.

***Ер тузиш лойиҳаси* - халқ хўжалигида ердан самарали фойдаланишни таъминловчи ер ландшафтларини яратишга, уларни иқтисодий, ижтимоий ва экологик баҳолашга қаратилган, ҳамда уларга ҳуқуқий асос берадиган ҳужжатлар тўпламидир. Ер тузишни лойиҳалаш ишлари қишлоқ хўжалик ва ноқишлоқ хўжалик корхоналарида, корхоналараро бирлашмаларда олиб борилади.**

*Ер тузишни лойиҳалаш* - ер тузишнинг асоси ва ажралмас бўлагидир. Унинг ёрдамисиз ердан самарали фойдаланишни ва ерларни муҳофаза қилишни ташкил этиш мумкин эмас.

Шундай қилиб ***ер тузишни лойиҳалаш фани*** – ***ердан тўла ва самарали фойдаланишни ташкил қилувчи лойиҳаларнинг назарий асосларини, турларини, таркибини, амалий бажарилишини ва ҳаётга тадбиқ қилиш йўллари***ни ўргатуви фандир.

Ер тузиш жараёнида ерга ижтимоий-иқтисодий алоқалар манбаи сифатида қаралади. Ерни ишлаб чиқариш воситаси сифатида ташкил қилиш жамиятда қарор топган ишлаб чиқариш муносабатлари билан чамбарчас боғлиқлиги унга ижтимоий-иқтисодий маъно беради. Шу сабабли, ер тузишни лойиҳалаш фани иқтисодий фанлар туркумига киради.

– Ҳозирги даврда Ўзбекистонда ер тузишнинг мазмуни амалдаги қонунлари билан белгиланади. Ўзбекистон республикасининг 1998 йилда қабул қилинган "Ер кодекси".


Ер тузиш таркибида топография, геодезия, картография, тупрок, агрохимия, геоботаника жиҳатидан, тарихий-маданий ва бошқа йўналишларда текширишлар ҳамда изланишлар олиб бориш назарда тутилади.

Ер тузиш мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, у доимий равишда ривожланиб боради. Шунинг учун ҳам, у бир марта ўтказиладиган тадбир эмас. Ер тузиш лойиҳалари маълум даврлардан кейин Янгиланиб туриши керак. Ер тузиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

- ер тузиш ишларини белгилаш;
- ер тузиш ишларини ўтказиш (тайёргарлик ишлари, лойиҳа тузиш ва уни ер тузиш қатнашчиларига тақдим этиш);
- лойиҳани тасдиқлаш ва амалга ошириш (жойларда чегара белгиларини ўрнатиш, лойиҳа элементларини жойларга кўчириш ва бошқ.);
- ер тузиш қатнашчиларига бериладиган ҳужжатларни тайёрлаш ва бериш.

### 3.Ер тузишни лойиҳалаш фанининг предмети

1920-1930 йилларда ер тузиш фанлари таркиби "Ер тузиш техникаси", "Лойиҳалаш услубияти" ва "Ер тузиш иқтисоди" фанларидан иборат эди.



### Fanlarning izlanish predmeti

|                                                                                              |                                                               |                                                                                                                |                                                                                                                                                   |                                                                                                                                        |                                                                                                                                                                                                   |                                                                                                                                         |                                                                                                                                                     |                                                                                                                                                                                 |
|----------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Yer tuzishning ijtimoiy iqtisodiy jarayon sifatida paydo bo'lishi va rivojlanishining tarixi | Yer tuzishda geodezik ishlarni bajarish yo'llari, uslubiylari | Yer tuzish jarayonini modellash-tirishning yo'llari va usullari, EHM yordamida ishlarni bajarish texnologiyasi | Yer tuzish ishlab chiqarishini tashkil etishning qonuniyatlari, yer tuzish ishlarini tashkil etish va rejalash-tirishning uslubiylari va yo'llari | Ijtimoiy ishlab chiqarish tizimida yer tuzishning rivojlanish qonuniyatlari, yer tuzishning turlari, shakllari, tamoyillari va mazmuni | Yer bilan ajralmas bog'liq ishlab chiqarish vositalarini va hududni tashkil etish qonuniyatlari, yer tuzish loyihalari ishlab, asoslash va amaliyotga tatbiq etish yo'llari, amallari va usullari | Iqtisodiy qonunlar, qonuniyatlari va ularning yer tuzishda namoyon bo'lishi, yer tuzishning iqtisodiy samaradorligini baholash usullari | Yer tuzish ishlari hujjatlarini yuritish, yer tuzish ishlarini boshlash, yer tuzish qatnashchilari orasidagi nizolarni yechish yo'llari va usullari | Er hisobi-ni, er ega-liklari va erdan foydalanuvchilarni ro'y-xatga olishni tuproq bonitirov-kasini, erlarni baholashni va er monitorin-gini o'tkazishning yo'llari va usullari |
|----------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

Yer tuzishda ilmiy izlanishlarni o'tkazish yo'llari va uslubiylatlari

#### 1 расм. Ер тузишнинг махсус фанлари тизимида ер тузишни лойиҳалашнинг ўрни.

20 асрнинг 30 йиллари ўрталарига келиб "Ер тузишни лойиҳалаш" фани ер тузишнинг асосий фанига айланди. 60 йиллар бошларида эса ер тузиш фанлари янада ривожланиб, Янги илмий йўналишлар пайдо бўлди. Бу йўналишлар пайдо бўлишига иқтисодий-математик усуллар ва моделлаштиришнинг кенг қўлланила бошлаши, Янги геодезия асбобларининг ва ЭХМ ларнинг пайдо бўлиши сабаб бўлди. Натижада Янги "Ер тузишнинг илмий асослари", "Ер тузиш ва ер муносабатлари тарихи", "Ер тузишда геодезик ишлар", "Ер тузишда иқтисодий-математик усуллар ва моделлаштириш", "Ер тузиш ишларини ташкил этиш ва режалаш" фанлари ер тузиш фанлари туркумига қўшилди. Шу билан бир каторда "Ер тузиш иқтисоди" ва "Лойиҳалаш услубияти" фанлари "Ер тузишни лойиҳалаш" фанига қўшиб юборилди.

70 йилларда эса илмий изланишлар услубиятлари ривожланиши натижасида ер тузиш фанлари туркумига "Мутахассисликка кириш", "Ер тузишда илмий изланишлар услубияти" ва "Ер ресурсларидан фойдаланишни режалаш ва башоратлаш" фанлари қўшилди. Ер тузиш фанларини табақалаштириш натижасида "Ер тузиш иқтисоди" фанини қайтадан махсус фан сифатида "Ер тузишни лойиҳалаш" фанидан ажратиш зарурати туғилди.

Ер тузишни лойиҳалаш фани барча ер тузиш ва умуммутахассислик фанларидан олинган билимларни ўзида мужассамлайди. Умуммутахассислик фанлари туркумига геодезия, тупроқшунослик (геоботаника асослари билан), мелиорация ва ерларни рекультивациялаш, агроўрмон мелиорацияси ва ўрмон

тузиш асослари, хариташунослик, ер кадастри, қишлоқ аҳоли яшаш жойларини лойиҳалаш, ҳудудни инженерлик жиҳозлаш, аграр иқтисод, деҳқончилик ва ўсимликшунослик, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва бошқалар киради.

*Ер тузишни лойиҳалаш объекти хўжаликлар, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар тизими билан боғлиқ ҳолда, ҳудудни ташиқил этишидир.* Ер тузишни лойиҳалаш фанининг предмети ҳудудни ва ер билан ажралмас боғлиқ ишлаб чиқариш воситаларини ташиқил этиш қонуниятлари ва ер тузиш лойиҳаларини ишлаш, асослаш ва амалга ошириш усуллари, йўллари ва услубиятларидир.

#### **4.Ер тузишни лойиҳалаш усуллари**

Ер тузишни лойиҳалашнинг ривожланиши жараёнида лойиҳачилар томонидан қўлланиладиган усуллар ҳам ўзгариб ва такомиллашиб келди. Олдиниға, ер тузиш фақат ер ўлчаш билан боғлиқ техник ҳаракатлардан (ерларни бўлиш, майдонларни аниқлаш ва чегараларни белгилаш) иборат бўлган даврда, лойиҳалаш амалиётида асосан математикадан фойдаланилар эди. Ерларни бўлиш ва майдонларни ҳисоблашда график, аналитик ва механик усуллардан фойдаланилган ва асосий иш қуроллари полеткалар, ўлчагичлар, масштаб линейкалари ва планиметрлардан иборат бўлган.

Асосий ер тузиш ишлари ерларни чегаралаш бўлган даврда, ер тузишни лойиҳалашнинг аҳамияти анча ошди ва ҳисоблаш, ўлчаш ишлари қаторига ернинг сифатини баҳолаш бўйича тадбирлар қўшилди. Ерларни бўлиш, қайта тақсимлаш, қўшиш жараёнларида ер тузиш лойиҳалари анча мураккаблашиб, уларни тузишда статистика, ер ҳисоби, ерни баҳолаш маълумотларидан кенг қўламда фойдаланила бошланди. Бу даврда ер тузиш ечимларини тайёрлашнинг асосий усули кетма-кет яқинлашиш (итерация) усули (умумийликдан хусусийликка) бўлди. Лойиҳа сифатини ошириш мақсадида у ер тузиш қатнашчилари билан келишилган ҳолда тузилиши ва экспертлар томонидан баҳоланган бўлиши керак.

Табиий ва хўжалик юритишнинг иқтисодий шароит-лари ҳар хиллиги, тупроқ қатлами ва ернинг мелиоратив аҳволининг турли-туманлиги, ҳудуд кенгликларининг бир-биридан фарқ қилиши ва аҳоли яшаш тизимларидаги ҳар хилликлар ер тузишни лойиҳалашда бир хил ечимларни қўллаш мумкин эмаслигини тақозо этади. Ҳозирги даврда комплекс лойиҳалар кўп сонли ҳар хил мутахассислар гуруҳи (ер тузувчилар, агрономлар, тупроқшунослар, иқтисодчилар, гидротехниклар ва бошқ.) томонидан ишланади.

Ер тузишни лойиҳалашда ҳозирги даврда, асосан, қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

ҳисоб-конструктив, иқтисодий-математик, иқтисодий-статистик, илмий абстракция, монографик ва бошқ.

ҳисоб-конструктив усули аниқ усулда ва белгиланган тартибда олиб бориладиган ҳисоблар ва балансларга асосланган бўлиб, у аниқ лойиҳа ечимини олишга имкон беради.

Масалан, хўжаликда алмашлаб экиш тизимини лойиҳалаш ва ҳудудда тўғри жойлаштириш учун чорва молларига зарур эм-хашак балансини, эм-хашак экинлари майдонини ҳисоблаш керак. Бу ҳисоблашлар эм-хашак экинлари учун ажратиладиган ерларнинг сифатини, жойлашган ўрнини, белгиланган алмашлаб экиш турларини, сонини ва майдонларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

Агар, хўжаликларнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик шароитлари мураккаб бўлса, ҳисоб-конструктив усули кўп вариантлик (кўп ечимлик) усули билан алмаштирилади. Бу усулда бир неча, ҳар хил лойиҳа ечимлари ишланади ва улар белгиланган кўрсаткичлар тизими ёрдамида баҳоланиб, яхши ечим аниқланади.

Илм-фан ва техника тараққиёти натижасида замонавий қудратли ҳисоблаш техникаси яратилди ва улар амалий иқтисодий изланишларда кенг қўлланила бошлади. Натижада ер тузишни лойиҳалаш жараёнида ҳам математик моделлаштириш, иқтисодий-математик ва иқтисодий-статистик усуллардан фойдаланила бошланди.

Математик моделлаштириш математик боғланишлар ёрдамида ўрганилаётган объектларнинг моделларини тузишга асосланган. Иқтисодий математик моделлаштириш ҳудудни ташкил этишнинг умумий турдаги қонуниятларини белгилаш, уларнинг ўзгариш сабабларини аниқлаш, ҳар хил шароитларни моделлаштиришда уларни такомиллаштириш йўллари топиш имконини беради.

**Иқтисодий математик усуллар** - иқтисодий характерга эга бўлган ер тузишни лойиҳалашнинг кенг қўламдаги масалаларини эчишга қаратилган. У ўзига дифференциал ҳисоблаш, чизиқли, динамик, стохастик ва математик дастурлашнинг бошқа турларини мужассамлаб, математик моделлардан амалий фойдаланишга қаратилгандир. Бу усулни қўллашда асосан масаланинг оптимал ечими изланади, яъни, ер тузиш лойиҳасининг мумкин бўлган барча ечимлари орасидан энг яхшиси белгиланган чеклашлар, шартлар ва оптималлик кўрсаткичи ёрдамида танланади.

**Иқтисодий статистик усул** - математик статистика усуллари ёрдамида тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида лойиҳавий ечимларни аниқлашга асосланган. Бу усуллар таркибига корреляция, регрессия ва дисперсия таҳлиллари, экспертлик баҳолаш, ишлаб чиқариш функциялари киради.

Ер тузишни лойиҳалашда Юқорида келтирилган усуллар ер тузиш лойиҳаларини ишлашга тайёргарлик жараёнида ер тузиш ўтказилаётган хўжаликнинг иқтисодиётини, ерларининг аҳолини ва улардан фойдаланиш даражасини ўрганишда, ҳамда лойиҳалаш меёрларини тайёрлашда ва лойиҳаларни иқтисодий асослашда қўлланилади.

Ҳозирги даврда геоахборот (ГАТ) ва ер ахборот (ЭАТ) тизимларининг, замонавий компьютер техникалари ва дастурлаш таъминотининг пайдо бўлиши, ер тузиш маълумотлари ахборот базасининг ривожланиши натижасида

ер тузиш усуллари тизими ер тузишни лойиҳалашнинг ЭХМ дан фойдаланиш ёрдамида автоматлашган технологиясига айлана бошлади.

Ер тузиш бўйича илмий изланишларни олиб боришда **монографик усулдан** ҳам кенг фойдаланилади. Бу усул жараёнлар ва ҳодисаларнинг айрим ўзига хос ва намунавий томонларини чуқур ўрганишга асосланган. Бу ўрганишлар асосида илмий хулосалар қилинади, таклиф ва тавсиялар тайёрланади. Ер тузишни лойиҳалаш бўйича изланишлар даврида, асосан, илғор қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларининг ташкил этилиши ёки ер тузиш ишларини амалга оширишнинг самаралироқ услубиятлари, йўллари, технологиялари ва усуллари баҳоланади.

Илм-фан ютуқларини ва илғор хўжаликлар тажрибаларини аниқ ишлаб чиқариш объектларида синаб кўришга зарурат туғилганда экспериментал ер тузишни лойиҳалашдан фойдаланилади. Бунда экспериментал лойиҳалаш натижалари бўйича бошқа корхоналар ҳудудларини қайта ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

Монографик ва экспериментал усуллардан фойдаланиш жараёнида дала кузатишлари ва ҳудудни ўрганиш, ҳамда хронометраж усулларида ҳам фойдаланиш мумкин.

### **5.Ер тузишни лойиҳалаш тамойиллари (принциплари)**

Ер тузишнинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодексида" кўрсатилган бўлиб, улар ердан илмий асосланган ҳолда тўла, оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил қилишдир. Ер тузиш ишлари Юқорида келтирилган вазифалардан келиб чиқадиган умумий тамойиллар (принциплар) асосида олиб борилади. Уларни қисқача қуйидагича таърифлаш мумкин:

*1. Лойиҳалашни ташкил этиш, техника ва технологиялар соҳасидаги илмий-техник тараққиёт ютуқларидан илҳом бўлиб борича максимал фойдаланиш тамойили.* Бу тамойил лойиҳалаш жараёнида энг замонавий техник воситалар ва усуллардан фойдаланган ҳолда лойиҳавий ечимларнинг самарадорлигини оширишни талаб этади. Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларини замонавий техникадан фойдаланишга ва ишлаб чиқаришнинг илғор технологияларини жорий этишга мослаш натижасидагина биз ердан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланишга еришишимиз мумкин. Демак, биз ер тузиш лойиҳаларини ишлашда энг замонавий техникадан фойдаланишни ва илғор технологияларни жорий этишни кўзда тутишимиз керак.

*2. Биринчи навбатда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган масалаларни эчиш тамойили.* Ер тузиш лойиҳалари табиатнинг ажралмас бўлаги бўлган ернинг ландшафтига ўзгартириш киритиши сабабли, уларнинг табиатга таъсири сезиларли бўлади. Бу таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Бу тамойил ер тузиш лойиҳалари ечимларини экологик жиҳатдан баҳолаб, уларнинг ичидан фақат атроф муҳитга салбий таъсир қилмайдиганларини танлаб олишни тақозо этади.

3. *Худуднинг табиий ва экологик шароитини тўла ҳисобга олиш тамойили.* Ер тузиш лойиҳаларини ишлаётганда Республика ер фондини табиий қишлоқ хўжалик раёнларига бўлиш натижалари, ер тузиш ўтказилаётган ҳудуд табиий шароити ва ерларининг жойлашуви, рельефи ҳисобга олинади. Шу билан бир қаторда, ер кадастри маълумотларидан, экологик ва бошқа мақсадларда ўтказилган инженерлик ва дала қидирув ишлари натижаларидан кенг фойдаланилади.

4. *Ердан фойдаланишда қишлоқ хўжалигининг устиворлигини таъминлаш тамойили.* Қишлоқ хўжалигида тупроқ унумдорлиги катта аҳамиятга эга. Республикамизда унумдор тупроқли суғориладиган ерлар кам бўлганлиги сабабли, ер тузиш лойиҳаларида улардан фақат қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун фойдаланишни таъминлаш керак. Қишлоқ хўжалик ерларининг ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратилишига йўл қўймаслик керак.

5. *Лойиҳанинг юқори иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини таъминлаш тамойили.* Лойиҳанинг ҳар бир ечими иқтисодий асосланиши керак. Иқтисодий асослаш лойиҳада кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш натижасида олинadиган қўшимча маҳсулотни ҳисоблаб топиш йўли билан бажарилади. Иқтисодий самара ижтимоий самара билан чамбарчас боғлиқдир. Сабаби, одамларнинг яшаш, меҳнат қилиш, дам олиш шароитларини ва уларга маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш хўжалик оладиган иқтисодий самарага тўғридан-тўғри боғлиқдир. Меҳнаткашларнинг турмуш ва меҳнат шароитларининг яхшиланиши эса меҳнат унумдорлигининг кўтарилишига ва натижада иқтисодий самарадорликнинг ошишига олиб келади.

6. *Ердан фойдаланиш жараёнида уни ноўрин исроф-гарчиликдан, нооқилона хўжалик юритишдан, табиатнинг ва ишлаб чиқаришнинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш тамойили.* Лойиҳанинг ҳар бир ечими ҳуқуқий ва экологик асосланиши керак. Ердан келажакда фойдаланиш бўйи-ча қилинадиган таклифлар маданий аграр ландшафтларни ривожлантиришга, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва доимий оширишга қаратилган ва ердан фойдаланишда ноўрин исрофгарчиликларга йўл қўймайдиган меёрий ҳужжатларга асосланган бўлиши керак.

7. *Лойиҳада қўйилган масалаларнинг бир-бири билан боғлиқ ҳолда тўла эчилишини таъминлаш тамойили.* Лойиҳанинг асосий қисмлари ва элементлари бир-бирлари билан, ердан фойдаланишни ва у билан боғлиқ ишлаб чиқариш воситаларини ташкил қилишга қаратилган бошқа башоратлаш, режалаш ва лойиҳалаш ишлари билан чамбарчас боғланишини таъминлаш керак. Буларга биринчи навбатда туман ер тузиш чизмалари, мелиорация лойиҳалари, йўл қурилиши чизмалари ва лойиҳалари, аҳоли яшаш жойлари бош лойиҳалари ва бошқалар киради. Агар Юқорида келтирилган боғлиқлик бўлмаса лойиҳада албатта хатоликлар келиб чиқади.

8. *Ер тузишда ер тўғрисидаги қонунларга тўла риоя қилиш тамойили.* Ер тузиш натижасида ердан фойдаланиш ва ерга эгалик қилиш билан боғлиқ

ҳуқуқий масалалар ҳам эчилади. Бу эса ўз навбатида ҳудудни белгиланган ер муносабатларига мослаб ташкил этишни талаб этади.

Юқорида келтирилган асосий талаблар ва умумлаштирилган тамойиллар ҳар хил ер тузиш ишларини бажариш услубиятларини яратишда ва лойиҳалашда катта аҳамиятга эга.

4 майруза

## **ИИ масзу. ЕР ТУЗИШНИ ЛОЙИҲАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УСУЛЛАРИ**

### **1. Ер тузишни лойиҳалаш тизими ва унинг асосий мазмуни**

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда аниқ ер тузиш тизими ташкил топган бўлиб, у давлатимиз ер ресурсларини бошқариш соҳасига киради ва ер қонунларини ҳаётга тадбиқ қилиш, ердан самарали ва тўла фойдаланишни ташкил этиш, ерни муҳофаза қилиш, тоза экологик муҳит яратиш ва табиий ландшафтларни яхшилаш каби вазифаларни бажаради.

***Ер тузиш тизими қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:***

***қонунлар билан белгиланган ер тузиш ишлари;  
аниқ, қонуний белгиланган ер тузиш ишларини бажариш тартиби;  
ер тузиш ҳужжатларининг тасдиқланган рўйхати;  
ер тузиш фаолияти билан шуғулланувчи махсус ташкил этилган ер тузиш хизмати;  
ер тузишни ташкил этиш;  
ер тузиш қатнашчилари;  
мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими.***

Ер тузиш ишларининг асосий қисми ер тузиш лойиҳалари ёрдамида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам, ер тузишни лойиҳалаш тизими катта аҳамиятга эга. ***Бу тизим лойиҳа олди, лойиҳалаш ва лойиҳани ҳаётга тадбиқ этиш босқичларини ўз ичига олади.***

Лойиҳа олди босқичида ер тузишни лойиҳалаш мақсадлари учун қуйидаги ҳужжатлар ишланади:

маъмурий туман ер тузиш чизмалари;  
ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш, агросаноат ишлаб чиқаришини ва унинг тармоқларини ривожлантириш, ер муносабатларини, ер эгаликларини ва ердан фойдаланишни такомиллаштириш, табиатни муҳофаза этиш тадбирларини лойиҳалаш билан боғлиқ айрим ер тузиш ишлари чизмалари;

бир гуруҳ ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ҳудудларида, лойиҳалаш объектларида ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш билан боғлиқ ер тузиш тадбирларини амалга оширишни техник-иқтисодий асослаш ҳисоб-китоблари.

*Туман ер тузиш чизмаси* асосий лойиҳа олди ҳужжати ҳисобланади ва туман ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишнинг келажақдаги (10-15 йилдан кам бўлмаган даврдаги) энг самарали йўллари аниқлайди.

Туман ер тузиш чизмасида қуйидаги масалалар ўз ечимини топади:

келажақда туман хўжалиги тармоқларининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ер ресурсларига бўлган талабларини асослаш;

қишлоқ хўжалигида ва бошқа тармоқларда фойдаланиш учун яроқли ерларни аниқлаш ва уларни ўзлаштириш навбатларини белгилаш;

ерларни тармоқлар орасида тақсимлаш, ер эгаликлари ва ердан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ва улар ерларидаги камчиликларни тугатиш;

ер ресурсларидан интенсив фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик ерлари унумдорлигини ошириш йўллари аниқлаш;

хўжалик марказлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратизимлари тармоқларининг келажақдаги ривожланишини ва ҳудудий жойлашувини аниқлаш;

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

ерни ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;

белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун зарур капитал маблағлар, моддий ва меҳнат ресурслари миқдорини аниқлаш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Ер тузиш тизими олдида турган айрим масалалардан келиб чиққан ҳолда, ер қонунларини ҳаётга тадбиқ қилишда, ер ислоҳатини ўтказишда, табиатни муҳофаза этиш тадбирларини мустақил равишда ўтказишда туман ер тузиш чизмаси таркибида ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишга қаратилган айрим чизмалар ҳам ишланиши мумкин.

Бундай чизмалар жумласига қуйидагилар кириши мумкин:

туман ҳудудидаги ерларни қайта тақсимлаш чизмаси;

эрозияга қарши тадбирлар чизмаси;

бузилган ерларни рекультивациялаш чизмаси;

туман ҳудудида ички йўлларни жойлаштириш чизмаси;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштириш, ихтисослаштириш ва йириклаштириш чизмаси.

Бу чизмалар ҳам лойиҳа олди ҳужжатлари жумласига киради ва улардан ер тузиш лойиҳаларини ишлашда фойдаланилади.

*Техник иқтисодий асослашлар ва ҳисоблардан* ҳам лойиҳа олди ишлари сифатида фойдаланилади. Бундай асослашлар ва ҳисоблашлар асосан суғориш ва мелиорация ишларини ўтказишда, ҳамда улар билан боғлиқ гидротехник иншоотларини қуришда ва бошқа мураккаб объектларни лойиҳалашда қўлланилади. Уларнинг асосий вазифаси Юкорида кўрсатилган ишларнинг зарурлигини ва иқтисодий самарадорлигини асослашдан, бу ишларни амалга оширишнинг энг самарали йўллари ва усулларини топишдан, уларни амалга ошириш тартибини белгилашдан иборат.

Ер тузишни лойиҳалашнинг лойиҳа олди асоси сифатида ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этишнинг минтақавий дастурларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Улар ердан фойдаланишни ва ерларни муҳофаза қилишни ташкил этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш муддатларини, бажарувчиларини, зарур моддий, меҳнат ва бошқа ресурсларни ўз ичига олади.

Ечиладиган муаммолар мазмунига қараб қуйидаги турларга бўлинади: Янги ерларни ўзлаштириш дастури; тупроқни эрозиядан ҳимоялаш дастури; бузилган ерларни тиклаш дастури; тупроқ унумдорлигини ошириш дастури ва бошқ.

Минтақавий дастурларни ишлашга асос бўлиб, республика миқёсида ишланган шунга ўхшаш дастурлар ҳамда ердан фойдаланишни ва ерларни муҳофаза этишни башоратлаш бўйича ишлар натижалари хизмат қилади.

Республика миқёсида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ва ерларни муҳофаза қилишни ташкил этиш бўйича асосланган қарорларни қабул қилиш учун ер тузиш хизмати томонидан мамлакатимиз (минтақалар) ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ва ерларни муҳофаза қилиш бош чизмаси ишланади.

Бу чизмалар асосида эса вилоят ер тузиш чизмалари ишланади.

Туман ер тузиш чизмалари вилоят ер тузиш чизмаларига нисбатан каттароқ аниқликда ишланади. Уларда ер тузишнинг асосий масалалари бўйича ечимлар қабул қилинади. Бу ечимлар кейинчалик хўжаликлараро, хўжаликларда ички ер тузиш, мелиорация, аҳоли яшаш жойлари, йўл қурилиши ва бошқа инженерлик лойиҳаларга асос бўлиб хизмат қилади.

Зарур ҳолларда ер тузиш лойиҳасини ишлашдан олдин қидирув ва изла-нишлар ўтказилади. Бу ишларга топография-геодезия, тупроқ, тупроқ эрозияси, тупроқ мелиорацияси, геоботаника, сув хўжалиги, йўллар, аҳоли яшаш тизими-ни ўрганиш ва ер тузиш билан боғлиқ қидирув ва ўрганиш ишлари киради. Қидирув ва ўрганиш ишлари натижалари ва ер кадастри ҳужжатлари лойиҳа ишлашда асос бўлиб хизмат қилади. Бу ишлар ҳам ер тузиш хизмати томони-дан бажарилади.

Туман ер тузиш чизмалари ва бошқа лойиҳа олди ҳужжатлари асосида *хўжаликлараро ва хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳалари ишланади.*

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари Янги қишлоқ хўжалик корхонала-ларини ташкил этиш, мавжуд корхоналар ерларидаги камчиликларни тугатиш, ноқишлоқ хўжалик корхоналарига ер ажратиш масалаларини ечади.

Фақат хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси асосидагина корхоналарга, ташкилотларга, муассасаларга ва фуқароларга ерга эгалик қилиш, ердан фойдала-ниш ҳуқуқларини берувчи ҳужжатлар берилади. ХАЭТ лойиҳаси ерга кўчирилга-нидан ва ерда хўжаликлар чегаралари чегара белгилари билан аниқ белгилангани-дан кейингина ер эгас ва ердан фойдаланувчи ўз фаолиятини бошлаши мумкин.

ХИЕТ лойиҳалари фақат қишлоқ хўжалик корхоналари учун тузилади. Уларнинг асосий вазифаси ердан фойдаланишни ва ерларни муҳофаза қилишни

ҳамда ер билан ажралмас боғланган ишлаб чиқариш воситаларини оқилона ва самарали ташкил этишдан иборат. Шунинг учун ҳам хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳалари нафақат, қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларини ташкил этишни балки, аҳоли яшаш тизимини, ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқаришни ҳам ташкил этиш масалаларини ўз ичига олади.

ХИЕТ лойиҳасида қуйидаги асосий масалалар ечилади:

ерларни хўжалик бўлимлари орасида тақсимлаш, хўжалик ва ишлаб чиқариш марказларини жойлаштириш, асосий магистраль йўлларни ва бошқа умумхўжалик аҳамиятига эга инженерлик объектларини жойлаштириш;

хўжаликнинг иқтисодий ва экологик асосланган ер турлари таркибини белгилаш, ерларни бир турдан бошқа турга ўтказиш ва яхшилаш;

дарахтзорларни жойлаштириш, алмашлаб экиш, яйловлар ва пичанзорлардан алмашлаб фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш, уларнинг ҳудудларини т/этиш;

ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар учун ердан фойдаланиш бўйича мажбурий талаблар ва меёрларни белгилаш.

Ер тузиш лойиҳаларида кўзда тутилган ер тузиш тадбирларини босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида, айрим ҳолларда туман ер тузиш чизмаларида ҳам аниқ ер участкалари бўйича ердан фойдаланиш ва ерларни муҳофаза этиш бўйича ишчи лойиҳалари тузилади.

Бу лойиҳалар ердан ва ер билан боғлиқ бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш ва ерларни муҳофаза қилиш бўйича, амалга оширилиши учун капитал маблағлар талаб этиладиган барча тадбирларга тузилади. Бу тадбирлар жумласига Янги ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалик ерлари сифатини яхшилаш, ерларни рекультивациялаш, ирригация, мелиорация ва йўл тармоқларини қуриш, боғлар, ихота дарахтлари полосалари ва бошқа дарахтзорларни яратиш, эрозияга қарши гидротехник иншоотларни қуриш ва бошқ. киради.

Ишчи лойиҳалар молиялашни бошлаш ва белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ер тузиш лойиҳаларини амалга ошириш босқичида лойиҳани ҳаётга тадбиқ этиш жараёни устидан муаллифлик назорати ўрнатилади. Зарур ҳолларда эса муаллифлик назорати ўтказилаётганда лойиҳага тузатишлар киритилиши мумкин. Муаллифлик назорати ер тузиш хизмати томонидан амалга оширилади. У лойиҳа ечимларининг ўз вақтида ва тўғри бажарилишини, белгиланган технологияларга ва ишларнинг смета баҳосига, ердан фойдаланиш ва ерларни муҳофаза қилиш бўйича мажбурий талаблар ва меёрларга тўла риоя қилишни таъминлаш мақсадида ўтказилади.

Муаллифлик назорати натижалари таҳлил этилиб, йўл қўйилган камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади ва уларни тугатиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилади.

## **2. Лойиҳалаш босқичлари**

Ерни тузиш деганда - ердан ва у билан ажралмас боғлиқ бошқа ишлаб чиқа-риш воситаларидан, ишчи кучларидан белгиланган тартибда фойдаланишни ташкил қилиш тушунилади.

Инсон ер тузиш ёрдамида ерда моддий бойликларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий талабларни қондиришга қаратилган аниқ мақсадга мос тушадиган тартиб ўрнатади. Бу ишларни бажаришда инсоннинг ерга ва умуман табиатга бўлган муносабати намаён бўлади. Шунинг учун ҳам табиат маҳсули бўлган ерни ва у билан боғлиқ бошқа ишлаб чиқариш воситаларини тузиш жамият ишлаб чиқариш кучлари ривожланишига олиб келади ва шунга қаратилгандир.

Ер тузишни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан бошлаб, то лойиҳа тузилиб, амалга оширилгунича бажариладиган ишлар кетма-кет белгили тартибда амалга оширилади. Бу жараён қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:



2-расм. Ер тузиш ишлари умумий тизимида ер тузишни лойиҳалашнинг ўрни тайёргарлик ишлари;  
ер тузиш лойиҳасини ишлаш;  
лойиҳа хужжатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;  
лойиҳани жойларга кўчириш;  
ер тузиш хужжатлари ва материалларини расмийлаштириш ва буюртмачи-га бериш;  
ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар томонидан лойиҳанинг бажарилиши устидан муаллифлик назорати.

Юқорида келтирилган ҳар бир босқичнинг мазмуни ер тузиш турларига, ер қонунларига, ҳамда ер тузиш лойиҳаларини ишлаш бўйича кўрсатмалар, қўлланмалар ва бошқа меёрий хужжатларга асосан аниқланади.

Тайёргарлик ишлари икки қисмга бўлинади: камерал тайёргарлик ишлари ва дала изланишлари.

Камерал тайёргарлик ишлари даврида ер тузиш ўткази-ладиган объектлар бўйича маълумотлар тўпланади. Бу маълумотлар жумласига олдин ўтказилган топография, геодезия, тупроқ, геоботаника, мелиорация ва бошқа изланишлар натижалари, ер тузиш чизмалари ва лойиҳалари ҳамда ер тузиш объектларини иқтисодий, ижтимоий ва экологик тавсифловчи ҳужжатлар ва чизмалар киради. Камерал тайёргарлик даврида йиғилган ҳужжатлар ва маълумотлар таҳлил қилиниб, уларнинг лойиҳа тузиш учун этарлилик ва яроқлилик даражаси аниқланади. Бу маълумотларни тўлдириш ва Янгилаш мақсадида ўтказиладиган дала изланишлари ҳажми аниқланади. Дала изланишлари даврида ҳудуднинг ер турларидаги, тупроқнинг мелиоратив ҳолатидаги, аҳоли яшаш тизимидаги, ирригация-мелиорация ва йўл тармоқларидаги, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар тизимидаги ва бошқа ўзгаришлар ўрганилади.

Лойиҳа ечимлари ер тузишнинг мақсадига, вазифаларига ва бажарилиш муддатларига, мазмунига ва бажариладиган ишлар ҳажмига қараб чизма, ишчи лойиҳа ёки комплекс лойиҳа тарзида ишланиши мумкин.

Лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ер қонунларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Лойиҳани жойларга кўчириш геодезия асбобларидан ва усулларида фойдаланган ҳолда ер тузувчи мутахассис томонидан, ер тузиш қатнашчилари вакиллари иштирокида ўтказилади.

Ер тузиш лойиҳаси белгиланган тартибда расмийлаштирилади ва унинг асосида ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар тайёрланади. Лойиҳадан ва у билан боғлиқ тайёрланган бошқа ер тузиш ҳужжатларидан нусхалар олинади ва буюртмачиларга топширилади.

Ер тузиш лойиҳалари халқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг, шаҳар ва қишлоқлар ижтимоий муаммоларини эчишнинг, ҳамда табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишнинг, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни (ҳамма соҳаларда) ташкил қилишнинг бошланғич босқичи ҳисобланади. Ер майдони ажратилмасдан туриб, ҳеч қандай ташкилот, корхона ёки муассаса ташкил қилиниши ва қурилиш ишлари бошланиши мумкин эмас. Республикамизнинг "Ер кодекси"да бунга алоҳида эътибор берилган. Унинг 23 моддасида бу ҳақда шундай деб ёзиб қўйилган: "Ер тузиш хизмати органлари берилган ер участкасининг чегараларини натурада (жойнинг ўзида) белгилаунларига ва ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилгунига қадар ана шу ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга киришиш таъқиқланади".

Белгиланган тартибда тасдиқланган ер тузиш лойиҳаси ҳаётга тадбиқ этили-ши керак. Лойиҳани ҳаётга тадбиқ этиш ер тузиш ўтказилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади. Лойиҳани ишлаган ташкилот ер тузиш лойиҳасининг тўғри ва тўла амалга оширилиши устидан муаллифлик назоратини олиб боради. Муаллифлик назоратини ўтказиш жараёнида зарурат туғилса, лойиҳага тузатишлар киритилиши мумкин.

### 3. Ер тузиш лойиҳалари классификацияси

Ер тузиш лойиҳалари турларининг кўплиги билан бошқа инженерлик лойиҳаларидан ажралиб туради. Лойиҳаларнинг таркиби, тузиш услубияти уларнинг қўйилган тармоқлараро ва тармоқлар ичидаги ер тузиш, ер майдонларини ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, ердан фойдаланиш билан боғлиқ вазифаларга, ҳамда ер тузиш ишлари турларига қараб аниқланади.

Лойиҳаларнинг мазмуни қўйилган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, хўжалик, экологик ва инженерлик вазифаларига қараб аниқланади. Шунинг учун ҳам ер тузиш кўп турлик бўлиб, ҳар хил мақсадга, мазмунга ва ўтказилиш йўллариغا эга бўлиши мумкин.

Ер тузиш 2 турга бўлинади: хўжаликлараро ва хўжаликларда ички ер тузиш. Ер тузиш турлари асосида амалиётда ер тузиш лойиҳаларини 3 катта гуруҳга бўлишади: ХАЭТ лойиҳалари; ХИЭТ лойиҳалари; ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ ишчи лойиҳалари.

Биринчи катта гуруҳга кирувчи ХАЭТ лойиҳалари ўз навбатида яна иккита кичик гуруҳга бўлинади. Улардан биттаси қишлоқ хўжалик ерларини тақсимлаш, ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш ва уларда ердан фойдаланишни такомиллаштириш билан боғлиқ ер тузиш лойиҳаларини ўз ичига олади. Иккинчиси эса қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқлар (энергетика, саноат, транспорт, ўрмон ва сув хўжаликлари, дам олиш жойлари, Шаҳарлар, қишлоқлар ва бошқ.) учун ер ажратиш билан боғлиқ ер тузиш лойиҳаларини ўз ичига олади.

Биринчи кичик гуруҳга кирадиган лойиҳаларни тузишда қўйиладиган ассосий талаблар-хўжаликда юқори самарали қ/х ишлаб/ч-шини ташкил қилиш ва атроф муҳитга зарар этказмаган ҳолда кам харажат сарфлаб, кўп маҳсулот ишлаб чиқариш учун ердан интенсив фойдаланишга ҳудудий шароит яратишдир.

Иккинчи кичик гуруҳга кирадиган лойиҳаларнинг мақсади бошқачарок бўлиб, - қ/х-дан бошқа тармоқларни жойлаштириш ва уларнинг муваффақиятли ишлаши учун замин яратишдир. Шу билан бир вақтда, тармоқларга ер ажратиш қ/х-га зарар этказмаслиги, бунинг иложи бўлмаганда эса, салбий таъсир жуда кам миқдорда бўлишини таъминлаши керак. Ҳар бир ер тузиш лойиҳасини ишловчи мутахассис қаттиқ амал қилиши зарур бўлган тамойил–қишлоқ хўжалигининг ердан фойдаланишдаги устиворлигини таъминлашдир.

Иккинчи катта гуруҳ лойиҳалари мавжуд ва Янги ташкил этилаётган хўжаликлар учун тузилади. У биринчи гуруҳ лойиҳаларига ўхшаб ўзининг ҳар хил-лиги билан ажралиб турмайди. Сабаби, у фақат қишлоқ хўжалик корхоналари учун тузилади. Аммо ер тузиш ишлари таркиби ва уларни амалга ошириш йўллари хўжаликларнинг ихтисосликларига, асосий ва қўшимча тармоқларига, табиий шароитига, умуман, ер майдонларининг ўзига хос хусусиятларига (рельефи, тупроғи, ер турлари таркиби, эрозияга учраш хавфи, иқлими ва ш.ў.) ҳамда аҳоли яшаш жойлари сони ва уларнинг жойлашувига қараб бир-биридан фарқ қилади. Шу сабабли, айрим вақтларда хўжаликларда

ички ер тузиш лойиҳалари тўла, яъни уларда лойиҳанинг ҳамма асосий таркибий қисмлари қишлоқ хўжалиги талабларига жавоб берадиган аниқликда эчилади. Бошқа вақтларда эса, улар бир мақсадга қаратилган бўлиб, фақат шу мақсадни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларгина эчилади. Масалан: асосий эътибор тупроқ эрозиясини тўхтатишга ёки суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишга қаратилиши мумкин.

Ички ер тузиш лойиҳасида Янги техника ва технологияларни жорий этиш, хўжаликнинг табиий ва иқтисодий шароитларига мос тушадиган ер турларини, алмашлаб экиш ва деҳқончилик тизимларини ташкил этиш, ҳамда хўжалик юритишнинг замонавий услубиятларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш бўйича тадбирлар ишланади. Лойиҳа корхоналарнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш (бизнес) режаларини ишлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Унда ернинг ҳар хил эрозияларига қарши ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар ҳам инженерлик лойиҳаларига хос аниқликда келтирилади.

Ер тузиш лойиҳаларининг ишлаб чиқариш жараёнларига ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишга фаол таъсир қиладиган, ҳисоблашлар билан асосланган ва чизмаларда кўрсатилган пировард натижаларига қуйидагилар киради: хўжаликларнинг иқтисодий самарали ер майдонлари, уларнинг жойлашуви, чегаралари, хўжалик ишлаб чиқариш бўлимларининг ер майдонлари ва ер турлари таркиби, доимий ва мавсумий хўжалик марказларининг жойлашуви, алмашлаб экиш, яйловлардан ва пичанзорлардан алмашлаб фойдаланиш тизимлари, алмашлаб экиш далалари, яйлов ва пичанзорларнинг алмашлаб фойдаланиладиган бўлаклари, боғлар ва узумзорлар пайкаллари ва улар бўлакчалари, ҳамда хўжалик ер турлари, ерларни бўлакларга бўладиган чизикли иншоотларнинг (йўллар, ариқлар, зовурлар, ихота дарахтлари ва бошқ.) жойлаштирилиши.

Кейинги вақтларда ер тузиш ишлари таркибига ишчи лойиҳаларни тузиш кириб келмоқда. Ишчи лойиҳалар асосан тупроқ эрозиясига қарши тадбирларни лойиҳалаш, суғориладиган маданий яйловларни яратиш, ерларни рекультивация қилиш (бузилган ерларни тиклаш), буталардан, тошлардан тозалаш, табиий яйлов ва пичанзорларни тубдан яхшилаш, қияликларда террасалар ташкил қилиш, жарликларни тугатиш, ирригация ва мелиорациялаш ишларини амалга ошириш, боғлар, узумзорлар ва бошқа дарахтларни экиш ишлари учун ишланади. Булардан ташқари хўжаликдаги йўлларни ва бошқа инженерлик иншоотларини қуриш учун ҳам ишчи лойиҳалар ишланиши мумкин.

Бу лойиҳаларда кўзда тутилган ишлар учун сметалар тузилади. Лойиҳа-смета ҳужжатларида бажариладиган ишларнинг тўла технологияси, уларни амалга ошириш учун сарфланадиган харажатлар, зарур машина, механизмлар ва бошқ. кўрсатилади.

Ер тузиш лойиҳалари бажарилиш тартибига қараб бир босқичли, икки босқичли ва комплекс лойиҳаларга бўлинади. Тайёрланиш даражасига қараб

эса лойиҳа олди ишлари (чизмалар, техник-иқтисодий асослашлар ва бошқа ҳисоблашлар), эскиз ва техник лойиҳаларга бўлинади.

Ер тузиш лойиҳаларининг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, уларни гуруҳлашда қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- ер тузиш турлари;
- лойиҳалашнинг босқичлилиги;
- лойиҳанинг тўлалик даражаси;
- ер тузиш ишларининг тури;
- ер тузишнинг ҳудудий ўзига хослиги.

Шу билан бир қаторда айрим ҳолларда гуруҳлашнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, гуруҳлаш учун асос сифатида хўжалик юри-тишнинг иқтисодий хусусиятлари олинса, ер тузиш лойиҳаларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар хом ашё минтақаларига кирган хўжаликларда ер тузиш;

ҳар хил ихтисосликдаги хўжаликлар учун ер тузиш;

суғориладиган ва суғорилмайдиган ерларда ер тузиш;

хўжаликлараро корхоналар, агросаноат бирлашмалари, ҳиссадорлик жамиятлари ва бошқаларда ер тузиш.

Лойиҳалашда Янги технология ва усулларни синаб кўриш учун экспери-ментал лойиҳалар ишланади. Бу лойиҳалар ёрдамида ер тузиш лойиҳаларига Янги таркибий қисмлар ва элементлар киритиш зарурати аниқланади. Бундай зарурат асосан кенг ҳажмдаги ер ислоҳоти ўтказилаётганда туғилади.

#### Ер тузиш лойиҳаларини гуруҳлаш

| Гуруҳлаш белгиси                   | Лойиҳалар гуруҳлари                                                                                             |
|------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1                                  | 2                                                                                                               |
| 1. Ер тузиш тури                   | ХАЭТ лойиҳалари, ХИЭТ лойиҳалари, Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ишчи лойиҳалар.     |
| 2. Лойиҳалаш босқичлари            | Бир босқичли лойиҳалар, Икки босқичли лойиҳалар<br>Комплекс лойиҳалар                                           |
| 3. Лойиҳанинг тайёргарлик даражаси | Лойиҳа олди ишланмалари (чизмалар, техник-иқтисодий асослашлар, ҳисоблашлар). Эскиз лойиҳалар. Техник лойиҳалар |

|                                                                                                                                                                                                                                                                               |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p>4. Ер тузиш ишлари турлари:<br/>а) хўжаликлараро ер тузишда:</p>                                                                                                                                                                                                           | <p>Лойиҳалар:<br/>к/х корхоналари ва фуқароларнинг Янги ер эгаликларини ва ердан фойдаланишларини ташкил этиш;<br/>мавжуд к/х корхоналари ва фуқаролар ер эгаликлари ва ердан фой-рини тартибга солиш (қайта ташкил этиш), улар ерлари жойлашишидаги ноқулайликларни тугатиш;<br/>нок/х мақсадларидаги ердан фойдаланишларни ташкил этиш (ерларни қайтариб олиш ва саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган корхоналарга бериш);<br/>Шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшаш жойлари чегараларини (чизиқларини) белгилаш ва ўзгартириш;<br/>жойларда маъмурий-ҳудудий бўлинмалар чегараларини белгилаш;<br/>махсус ҳуқуқий тартибга эга ерлар ҳудуди чегараларини белгилаш;<br/>махсус табиатни муҳофаза қилиш, рекреация ва кўриқхона тартибидаги ҳудудлар чегараларини жойлаштириш ва ўрнатиш;<br/>ҳар хил мақсадларга мўлжалланган ер фондларини ташкил этиш (махсус, қайта тақсимлаш, кўчириш ва бошқ.);</p> |
| <p>б) хўжаликда ички ер тузишда:</p>                                                                                                                                                                                                                                          | <p>қишлоқ хўжалик корхоналарида ички ер тузиш;<br/>фермер хўжаликларида ички ер тузиш;<br/>саноат корхоналарининг қишлоқ хўжалиги бўйича ёрдамчи ХИЭТ;<br/>жамоа боғлари ва полизлари ҳудудларини ташкил этиш;<br/>шахсий боғ участкалари, шахсий ёрдамчи хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ҳудудларини ташкил этиш;<br/>томорқа ерлари фондлари тартибга солиш;<br/>маҳаллий маъмурият ихтиёридаги ҳудудларни ташкил этиш (қишлоқлар ичида ер тузиш лойиҳалари);</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |
| <p>в) маълум ер участкаларида ер тузишда:</p>                                                                                                                                                                                                                                 | <p>ер турларини ўзлаштириш ва тубдан яхшилаш; маданий-техник тадбирларни ўтказиш; ерларни рекультивациялаш ва унумдорлиги паст ерларни унумдор қатламлар билан қоплаб яхшилаш; эрозияга қарши тадбирларни амалга ошириш; боғларни, резаворзорларни, узумзорларни экиш; йўл қурилиши; мелиорация тармоқларини қайта қуриш; алмашлаб экишлар ҳудудини далалар ичида ташкил этиш; далаларни комплекс агрокимёвий маданийлаштириш.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |
| <p>5. Ер тузишнинг минтақавий хусусиятлари:<br/>а) тупроқлар ерозияси, ерларнинг бузилиши, ифлосланиши ва ҳар хил захарли моддалар билан булғаниши шароитларида:<br/>б) интенсив ирригациялаш ва мелиорациялаш минтақаларида:<br/>в) моллар ҳайдаб боқиладиган чорвачилик</p> | <p>Лойиҳалар:<br/>тупроқларнинг сув эрозияси тарқалган минтақада ҳудудни эрозияга қарши ташкил этиш;<br/>шамол эрозияси шароитида ҳудудни эрозияга қарши ташкил этиш;<br/>сув ва шамол эрозиялари биргаликда мавжуд шароитларда ҳудудни эрозияга қарши ташкил этиш;<br/>жойларнинг радиоактив моддалар билан булғаниш шароитларида ҳудудни ташкил этиш;<br/>ерларнинг кимёвий ифлосланиши шароитларида ҳудудни ташкил этиш;<br/>суғорма деҳқончилик минтақаларида ер тузиш (ер устидан, ёмғир-латиб суғориш);<br/>ерларнинг интенсив тарзда захи қочириладиган минтақаларда ер тузиш;<br/>тупроқларнинг ҳаво-сув режимини икки томонлама тартибга солиш шароитларида ер тузиш.<br/>моллар ҳайдаб боқиладиган чорвачилик минтақаларида ер тузиш.</p>                                                                                                                                                                                   |

5 маъруза

**ЕР ТУЗИШНИ ЛОЙИХАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УСУЛЛАРИ****1. Лойиҳа ҳужжатлари**

Ҳозирги фан ва техника тараққиёти асрида ғоялар ва илмий фикрлар Янги техникаларга, қишлоқ хўжалик машиналарига, ишлаб чиқаришнинг илғор технологияларига айланишигача жуда мураккаб ва қийин босқичларни босиб ўтади. Бу босқичлар ғоянинг туғилиши, уни тажриба йўли билан ва ишлаб чиқариш шароитида синаш, илмий ҳулосалар ишлаб чиқиш (ёки моделларни тайёрлаш) ва ниҳоят лойиҳаларда кўрсатилган ишларни ҳаётга тадбиқ қилиш, яъни уларни амалга оширишни ўз ичига олади. Мана шу бир-бири билан узвий боғланган жараёнда лойиҳа асосий ўринни эгаллайди.

Шунинг учун ҳам, ҳар қандай лойиҳа иншоотлар, механизмлар, бинолар, илғор технологиялар ва бошқаларни яратишнинг, амалга оширишнинг ҳисоб-китоблари, йўллари ва чизмалари келтирилган ҳужжатлар тўпламидир.

Ер ва сув қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситалари бўлиши билан бир қаторда, улардан фойдаланишнинг ўзига хос томонлари ҳам бор. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг миқдори, сифати ва таннархи, асосан, қишлоқ хўжалик корхонасидаги ернинг майдони, унумдорлигига, ер турлари таркибига, шаклига, йўл ва ташқи алоқа манзилларига нисбатан жойлашган ўрнига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ер тузиш лойиҳалари қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларининг ташкил топишида, тартибга солинишида ва такомиллаштирилишида жуда катта аҳамиятга эга.

Ер тузиш лойиҳаси - ҳалқ хўжалигида ердан самарали фойдаланишни таъминловчи ер ландшафтларини яратишга, уларни иқтисодий, ижтимоий ва экологик баҳолашга қаратилган ҳамда уларга ҳуқуқий асос берадиган ҳужжатлар тўпламидир. Ер тузишни лойиҳалаш ишлари қишлоқ хўжалик ва ноқишлоқ хўжалик корхоналарида, корхоналараро бирлашмаларда олиб борилади.

Ер ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситаси сифатида иштирок этиши билан бир қаторда, табиат маҳсули ва унинг ажралмас бўлаги ҳамдир. Ер тузиш лойиҳалари фақат ердан фойдаланишда - маълум тартиб ўрнатибгина қолмай, балки, табиатнинг бошқа ресурсларига /элементларига/ ва умуман экологии тизимига актив таъсир қилади. Шунинг учун ҳам ер тузиш лойиҳаларини табиатни тузиш лойиҳалари деб ҳам аташ мумкин.

Ер тузиш лойиҳаларининг ишлаб чиқариш жараёнларига ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишга фаол таъсир қиладиган, ҳисоблашлар билан асосланган ва чизмаларда кўрсатилган пировард натижаларига қўйидагилар киради: хўжаликларнинг иқтисодий самарали ер майдонлари, уларнинг жойлашиши, чегаралари, хўжалик ишлаб чиқариш бўлимларининг ер майдонлари ва ер турлари таркиби, доимий ва мавсумий хўжалик марказ-ларининг жойлашиши, алмашлаб экиш, яйловлардан ва пичанзорлардан алмашлаб фойдаланиш

тизимлари, алмашлаб экиш далалари, яйлов ва пичанзорларнинг алмашлаб фойдаланиладиган бўлаклари, боғлар ва узумзорлар пайкаллари ва улар бўлакчалари, ҳамда хўжалик ер турлари, ерларни бўлакларга бўладиган чизикли иншоотларни (йўллар, ариқлар, зовурлар, ихота дарахтлари ва бошқ.) жойлаштириш.

Математик усулларни қўллаб лойиҳани иқтисодий, инженерлик ва молиявий асослашга қаратилган ҳисоблашлар ва чизмалар тўплами биргаликда лойиҳа-смета ҳужжатлари деб аталади. Ер тузиш лойиҳаси ёзма ва чизма қисмлардан иборат. Лойиҳанинг чизмалар қисмига лойиҳа плани, ишчи планлар, ҳар хил ёрдамчи чизмалар, расмлар, графиклар ва диаграммалар киради.

Чизмаларнинг таркиби ва сони тузилаётган лойиҳа ва унга қўйилган талабларга қараб белгиланади. Лойиҳани жойларга кўчириш ва уни амалга ошириш учун ишчи чизмалар ишланади. Булар орасида лойиҳа плани асосий ҳужжат ҳисобланади. Унда ҳудудни ташкил қилиш билан боғлиқ ҳамма тадбирлар ва ечимлар кўрсатилади. План-харита материаллари ер тузиш амалиётида қўлланиладиган шартли белгилар ёрдамида расмийлаштирилади. Улар лойиҳаланаётган ҳудуднинг майдони, табиий ва иқтисодий шароитига қараб лойиҳавий элементларни тушириш осон бўлган микёсда (масштабда) тайёрланади.

Лойиҳанинг ёзма қисмига лойиҳани агроиқтисодий асослаш ва смета-молиявий ҳисобларидан иборат тушунтириш хати киради. Унда лойиҳанинг самарадорлигини кўрсатувчи техник-иқтисодий кўрсаткичлар берилади. Тушунтириш хатига лойиҳани экспертизадан ўтказиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича ҳужжатлар илова қилинади.

Кўриб чиқилган, белгиланган тартибда тасдиқланган ва жойларга кўчирилган ер тузиш лойиҳаси ҳуқуқий кучга эга бўлади. У кўп йиллар давомида ердан фойдаланишда маълум тартиб ўрнатади.

## **2. Лойиҳалаш технологияси асослари**

Ҳар қандай ер тузиш лойиҳасининг мазмуни ва вазифалари лойиҳа ишланаётган объектнинг турига ва ўзига хос хусусиятларига, ҳудуднинг табиий шароитига ва хўжаликларнинг иқтисодий шароитларига қараб аниқланади. Лойиҳалар асосий таркибий қисмларга, таркибий қисмлар эса лойиҳавий элементларга бўлинади. Лойиҳаларни бундай бўлишдан мақсад - лойиҳа олдига қўйилган масалаларни белгиланган тартибда, умумий масалалардан бошлаб хусусий масалаларгача эчишни ташкил этишдир. Демак, биринчи навбатда умумий масалалар, кейин эса хусусий масалалар эчилади. Зарурат туғилганда, хусусий масалаларни эчиш жараёнида олдин эчилган умумий масалаларга тузатиш киритилиши ҳам мумкин.

Масалан, хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини ишлашда биринчи навбатда хўжалик марказлари ва ишлаб чиқариш бўлинмаларини жойлаштириш масаласи эчилади. Бунинг учун хўжалик ишлаб чиқаришининг ташкилий тузилишини белгилаш керак. Кейин ишлаб чиқариш бўлинмаларининг сони,

майдони, жойлашган ўрни ва чегаралари аниқланади. Ҳар бир аҳоли яшаш жойининг вазифаси, келажакдаги ривожланиши, уй-жой, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бино ва иншоотларни қуриш зарурати аниқланади. Чорвачилик фермалари жойлаштирилади.

Юқорида кўрсатилган масалалар эчилгандан кейин асосий магистраль йўллар тармоғини ва бошқа инженерлик тармоқлари ва иншоотларини жойлаштириш масаласи эчилади. Кейин эса ишлаб чиқариш бўлинмалари чегараларида ер турлари таркибини ва майдонларини аниқлаш, ерларни бир турдан иккинчи турга ўтказиш (трансформациялаш) ва хўжалик иқтисослигига мос ҳолга келтириш, бўлинмаларни меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш масалалари эчилади. Алмашлаб экиш тизими ташкил этилади.

Кейин алмашлаб экиш массивлари ҳудудлари ташкил этилади. Бунда суғориш (ишчи) участкалари, алмашлаб экиш далалари, бригада участкалари, ихота дарахтлари, дала йўллари, дала шийпонлари ва ичимлик суви манбаалари жойлаштирилади. Бу ишларни бажариш жараёнида олдин қабул қилинган асосий йўлларнинг жойлашишига, ишлаб чиқариш бўлинмалари-рининг чегараларига тузатишлар киритилиши мумкин.

Юқорида келтирилган лойиҳалаш тартиби ва технологияси анъанавий бўлиб, охириги йиллардаги ер тузишни лойиҳалаш амалиёти тажрибалари асосида ташкил топган. Бундай тартиб лойиҳани таркибий қисмларга ва элементларга бўлишни тақоза этади.

Ер тузиш лойиҳасининг таркибий қисмлари - бу бир-бири билан боғлиқ ва бир мақсад йўлида бирлаштирилган лойиҳанинг асосий вазифалари мажмуидир.

Лойиҳанинг асосий таркибий қисмлари қуйидаги белгиларга қараб аниқланади:

эчилаётган лойиҳавий масалалар мақсадининг бир хиллиги;

лойиҳада олдин қабул қилинган ечимлар асосида ҳар бир таркибий қисм масалаларини мустақил эчиш мумкинлиги;

бир-бири билан боғлиқ масалаларни иқтисодий асослашнинг ягона кўрсаткичи борлиги;

лойиҳавий вазифаларнинг мантиқий изма-изликда умумийликдан хусусийликка қараб эчилиши.

Лойиҳанинг асосий таркибий қисмларида эчиладиган масалалар лойиҳа планида кўрсатилади. Лойиҳанинг асосий таркибий қисмлари таркибига лойиҳа планида ўз аксини топадиган бир неча элементлар кириши мумкин.

Лойиҳа элементлари - бу лойиҳа планида ва ерда натижалари кўрсатиладиган лойиҳавий масалалардир. Лойиҳа элементларига мисол қилиб суғориш участкаларини, алмашлаб экиш далаларини, дала йўлларини, ихота дарахт-лари полосаларини, дала шийпонларини ва ичимлик суви манбааларини жойлаштиришни кўрсатиш мумкин. Лойиҳанинг аниқ вазифаларини кетма-кет эчиш тартиби, уларни амалий эчиш йўллари, усуллари, алгоритмлари ва